Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 2 (2569) • 1990 йил 3 январь, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ТОҒЛАР ОРАСИДАГИ КОРХОНА

Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг олис бурчагида — Устюрт платосининг қоқ марказида ойлаш Тулей компрессор станцияси Ўрта Осиё магистраль газ қувурлари бошқармасининг ўн бешинчисидир. Унгалаб мутахассислар хизмат кўрсатади. Улинг асосий вазифаси Ўрта Осиё — Марказ газ қувури орқали мамлакатимизнинг марказий районларига жўнатилаётган ёқилғини узуксиз ва тўхтовсиз юборилишини таъминлаш дан иборат.

Газчилар бу ерда доимий истиқомат қиладилар. Шу ерда бунёд этилган посёлка онлари билан яшаб меҳнат қилишади. Улар учун барча шароитлар яратиб берилган. Газчилар учун юкларни, саноат маҳсулотлари ва озиқ-овқатни Урганч автокорхонасининг самолётларида элтиб берилмоқда. Учувчиларнинг ғайрат шижоати туфайли оғир бўлган нарсалар билан таъминланишда фақат авиация туфайлигина уларнинг яхшилашга, сифатли ишлашлари учун етарли шароит яратилди.

Шунинг учун ҳам коллектив эришаётган ютуқлар салмоғи ортиб бораётир. Станцияда илғорлар сафи тобора кенгаймоқда. Уларнинг кўпчилиги йиллик топшириқни ортиғи билан бажарди. Масалан комсомол аъзоси Айтбой Мадиховнинг олайлик. У мана уч йилдан бери компрессор станциясида машинист бўлиб ишлаб келади. У қисқа вақт ичида газчилик касбининг сир-асрорларини эгаллаб олди. Волгограддаги нефть ва газ саноати техникумининг тўртинчи курсида сиртдан ўқийди.

Тулей компрессор станциясининг машинистларидан Очила Нуржонова билан Раиса Ёқубовалар ҳам ана шундай пешқадамлардан.

Компрессор станциясининг аҳил коллективи кейинги йилларда «Ўзимизни-ўзимиз маҳсулот билан таъминлаймиз» деган шиорни ўртага ташлади. Яъни бу ерда ёрдамчи хўжалик ташкил этилди, теплица хўжалиги ишлаб турибди. Мана ҳозир иссиқхонада айни пишиқчилик. Энди бутун қиш давомида ходимлар дастурхонини янги узилган бодринг, помидор, ошқўқлар билан таъминлаш мумкин. Ишчи ошхоналари, болалар боғчаси, мактабга ҳам шу маҳсулотлар етказиб берилади. Бундан ташқари маҳсулотнинг бир қисми аҳолига арзон нархда сотилади.

Мана шундай қулайликлар туфайли компрессор станциясида эришилаётган ютуқлар кўпайиб бормоқда. Коллектив аъзолари янги, 1990 йилни ҳам кўтаринки руҳда бошлашди. Уларнинг нияти — янги йилда ҳам зарбдорларча меҳнат қилиш.

Суратларда: 1. Тулей компрессор станцияси машинистлари Очила Нуржонова билан Раиса Ёқубова. 2. Қўнғирот технологик сув таъминоти бошқармаси учинчи насос станцияси кўриниши. Бу станция магистрал газопроводнинг Қўнғиротдан Қозоғистонгача бўлган масофасида ишлаб чиқариш участкаларининг ичимлик сув билан таъминлайди.

Қ. ОТАЁВ суратлари (ЎзТАГ).

ИШЧАНЛИК, ТАШАББУС, НАЗОРАТ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлисидан

1989 йил Ўзбекистондаги кўпгина меҳнат коллективларининг солномасига янги зафарлар йўлига ташланган яна бир янги қадам сифатида киради. Юзлаб саноат корхоналари, қурилишлар, хўжаликлар қайта қуриш яратган имкониятларга таяниб ишлаб чиқаришни юксалтиришга эришдилар, иқтисодиётни мустаҳкамладилар. Пахтакорлар ҳам йилни шараф билан якунладилар.

Ҳа, йил оғир бўлди, бироқ аниқ-равшан натижаларда ҳам, бошланган ташаббусларда ҳам яхшигина силжишларга эришилганлиги равшан кўриниб турибди.

Лекин эришилган ютуқларни муносиб баҳолаб, тўпланган тажрибага суянган ҳолда куч-ғайрат билан, имкониятларимиз даражасида ишлашимизга халақит берган сабабларни ҳам очиқ-ойдин кўришимиз керак. Республика Министрлар Совети президиумининг янги йил бўсағасида бўлган кенгайтирилган мажлиси шу масалага бағишланди.

Мажлисда дастлабки якунлар тўғрисида гапирилди — улар ҳали батафсил таҳлил этилади. Аммо дастлабки хулосаларни ҳозироқ чиқариш мумкин... Боз устига уларни кечиктириш керак эмас! Чунки янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ халқ хўжалигини янада соғломлаштириш юзасидан шошилинч тадбирлар кўриш зарур. Бунда вужудга келган вазиятга оқилона баҳо бериш, келажак учун сабоқ олиш ва олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришга тайёр туриш талаб этилади.

...Республикамиздаги саноат корхоналарининг ҳар бештасидан бири тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш топшириғини уддалай олмади. Бу эса кўпдан-кўп шерикларимизнинг ишларида қийинчиликлар вужудга келганлигини ҳам, пештахталар бўш қолганини ҳам билдирди. Министрлар Совети қайд этган йилнинг кишини ўйга толдирадиган натижалардан бири шу бўлди.

Уқувсизлик, йўл қўйилган камчиликлар, муайян резервлардан фойдалана олмаслик борасида кишини ҳайратга соладиган мисоллар келтирилди. Бинобарин, келтирилган ҳар бир мисолда — ҳар бир ҳолда бир-бирига ўхшаш, ўзига хос чизгилар — иқтисодий ислоҳотни сусткашлик билан жорий этиш, кўпинча эса унга халақит бериш, ишлаб чиқариш ва шартномавий интизомнинг сустлиги, моддий-техника таъминотидаги келишмовчиликлар, фан-техника тараққиёти ютуқларига бефарқлик аломатлари аниқ кўриниб турди.

Буларнинг ҳаммаси бир қанча тармоқлар, айниқса агросаноат ва қурилиш комплексларини ривожлантиришга салбий таъсир қилмоқда. «Алоҳида ҳолат»ни баҳона қилишга уринишларда эса малакасиз, эски усуллар билан ишлаб суяги қотиб қолган раҳбарият кўринмоқда. Айрим министрликлар ва идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг фаолияти қайта қуриш вазифаларига мос эмас.

Истеъмол бозорида сақланиб қолаётган кескинлик айниқса ташвиш туғдиради. Бир қанча халқ истеъмоли моллари етишмаяпти, кўп буюмларнинг сифати стандартларга тўғри келмайди. Истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари қондирилмаслиги билан бир-бирига пул муомаласи ҳам мураккаблашмоқда, капитал қоғозлар ва қоғоз пул кўп чиқарилмоқда, корхоналарнинг молиявий аҳволи ёмонлашмоқда.

Ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти якунларини чуқур таҳлил этиш, амалий тадбирларни рўёбга чиқариш учун жуда қисқа муддат — икки ҳафта берилди.

План ҳар бир иш ўрнига ўз вақтида зудлик билан етказилиши керак. Дастлабки кунданоқ бир маромда самарали ишлаш лозим. Шу муносабат билан Давлат план комитети ва Давлат моддий-техника таъминоти комитетига, министрликлар, идораларга, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига аниқ-равшан топшириқлар берилди.

Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини кучайтиришга, халқ фаровонлигининг долзарб муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор берилди. Жуда қисқа муддат ичида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда, бозорни тақчил бўлиб қолган моллар билан тўлдиришда аниқ силжишга эришиш зарур.

Ҳукумат бир қанча тармоқлар ва корхоналарга ёрдам бериш юзасидан аниқ тадбирларни режалаштирган, айни вақтда уни қаттиқ назорат қилиш кўзда тутилган. 1990 йилнинг январь ойидаёқ министрликлар, идоралар, айрим корхоналарнинг раҳбарларига ўзлари амалга ошираётган ишлар тўғрисида ҳисоб беришлари таклиф этилди.

Идоралар ва маҳаллий Советлар ижроия комитетлари раҳбарларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг қишлоқ аҳолиси шахсий ёрдамчи хўжаликларини ҳамда якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлиги хусусида худди шу йўсинда жавоб беришларига тўғри келди.

Яқиндагина, президиумнинг бундан аввалги мажлисида вужудга келган вазиятга принципиал баҳо берилган эди: маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг сусткашлиги, уқувсизлиги натижасида минглаб оилалар ёрдамчи хўжалик ва уй-жой учун ўз вақтида ер участкалари ололмадилар. Мазкур иш учун масъул бўлган раҳбарлар ўшанда йил охиригача аҳвол ўнгланади, деб ишонтирган эдилар.

Шундай қилиб, белгиланган муддат ҳам етиб келди, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари раислари ўзлари ана шундай муддат белгиланишини сўрашган эди. Бу энг муҳим ишнинг қай даражада масъуллигини ҳис қилиб, иш олиб борилган ерларда аҳволни тузатиб олишга эришилди. Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм областларида томорқа участкалари бўлмаган оилаларни ана шундай участкалар билан таъминлаш вазифаси адо этилди. Аммо баъзи бировлар эскичасига «ўтиб кетар» деб умид қилди...

Айни вақтда текшириш натижасида Сирдарё, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Андижон областларида ер участкаларини ажратишни чўзиб юборганликлари маълум бўлиб қолди. Бир қанча ҳолларда эса ер ажратиш ишлари «қоғоздагина» бажарилди — 285 минг оила ўзларига ажратилган ерларни ҳали кўрганлари йўқ... Рўзғорни бутлаб олиш учун зарур ёрдам берилганлиги тўғрисида эса гапирмаса ҳам бўлади. Мол ва парранда, кўчат сотиш планлари бажарилмади.

Қишлоқ аҳолисини томорқа участкалари билан таъминлашда назоратсизликка йўл қўйганликлари ва сусткашликлари учун Пахтакор, Наманган, Чироқчи, Москва, Тошлоқ, Балиқчи, Ғузор, Киров, Избоскан, Оҳангарон, Коммунистик районларининг раҳбарларига қаттиқ ҳайфсан берилди. Ильич район Совети ижроия комитети раиси ўртоқ Уроловнинг эгаллаб турган лавозимига мос ёки мос эмаслиги тўғрисидаги масала ўртага қўйилди. Аҳолига бузоқ ва парранда сотиш планини барбод қилганлиги учун Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Исканов огоҳлантирилди.

Ҳукумат янги йил арафасида 1 январдан рўёбга чиқарила бошлаши лозим бўлган яна бир қарорга қайтди. Гап 1990 йилда Ўзбекистон ССРнинг халқ маорифи, маданият ва соғлиқни сақлаш тармоқларида ижтимоий аҳволни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида бормоқда.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ижтимоий таъминот министрликлари ушбу программани амалга ошириш юзасидан биргаликда ташкилий ишлар олиб бориш ўрнига буйруқлар чиқариш, айни вақтда бу буйруқларни ҳам жуда кечикиб чиқариш билан чегараланганликлари таъкидланди... Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик Давлат-кооператив комитетида эса шу вақтга қадар умуман тегишли қарорлар қабул қилинмади. Шундай қилиб, қишлоқ мактаблари ва болалар муассасаларини, касалхоналарни, амбулаторияларни мустаҳкамлаш, болаларни, ҳомиладор аёлларни гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинмаган.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув мактаблар, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб туришни уддалай олмадилар, шу вақтга қадар савдо ташкилотлари билан истеъмолчилар ўртасида шартномалар тузилмаган, маҳсулот етказиб берувчилар аниқланмаган.

Министрлар Совети қарор қабул қилди, унда тегишли министрликлар ва идораларга, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларига болалар, ҳомиладор аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар соғлиғини мустаҳкамлашга, бошланғич синфлар ўқувчиларини бепул овқатлантиришни ташкил этишга, пенсия таъминотини тартибга келтиришга, ўқувчи ёшларга ёрдам кўрсатишга қаратилган батафсил тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди. Умумдавлат тадбирлари билан бир қаторда корхоналар, хўжаликлар, маҳаллий Советлар, жамоат ташкилотларининг маблағларидан аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий жиҳатдан етарли даражада ҳимоя қилинмаган табақаларига самарали ёрдам бериш учун фойдаланиш зарур, деб таъкидланди.

Мажлисда савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларида зарур тартибни таъминлаш тадбирлари, жамоатчилик тартибини муҳофаза қилишнинг баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Министрлар Совети Президиумининг мажлисида муҳокама қилинган масалаларнинг ҳал этилиши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сайловолди ҳаракат дастурини амалга оширишга, қайта қуриш ишини рўёбга чиқаришга қўшилган аниқ-равшан ҳисса бўлиши таъкидланди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари А. И. Икромов, Р. А. Попов қатнашдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ИЖАРА ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ ҲАҚИДА

СССР Олий Советининг «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ижара тўғрисидаги Қонун асосларини кучга киритиш тартиби ҳақида»ги 1989 йил 23 ноябрь қарорига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССРда ижара тўғрисидаги илова қилинаётган Низом тасдиқлансин ва 1990 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилсин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

СССР Министрлар Совети белгилайдиган рўйхат асосида ижарага топширишга йўл қўйилмайдиган республикага бўйсунувчи корхоналар (бирлашмалар) ва ташкилотлар турларини (группаларини) ва мулк турларини белгилаб қўйсин, шунингдек ижарага олинган мулкни сотиб олиш чегаралаб ёки тақиқлаб қўйиладиган ҳолларни назарда тутсин;

Ўзбекистон ССР ҳукуматининг қарорларини Ўзбекистон ССРда ижара тўғрисидаги Низомга мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва Тошкент шаҳар ижроия комитетлари мазкур Низомга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини, шу жумладан, йўриқномаларини қайта қуриб чиқишларини ёки бекор қилишларини таъминласин;

«СССРда мулк тўғрисида»ги СССР Қонуни қабул қилиниб, кучга киритилгунича давлат корхоналари (бирлашмалари)ни ва ташкилотларини, шунингдек бирлашмалар таркибидаги бирликларни ижарага топшириш ҳақида шартнома тузишга ваколат берилган республика давлат органларини аниқлаб қўйсин.

3. Ўзбекистон ССРда ижара тўғрисида Низом кучга киритилгунича ижара муносабатларига ўтган ижарачилар ўз хўжалик фаолиятларини 1989 йил 31 декабрга қадар тузилган ижара шартномаларига мувофиқ олиб боришга ҳақлидирлар.

4. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва Тошкент шаҳар ижроия комитетлари, республика министрликлари ва идоралари:

давлат корхоналарини ижарага ўтказишга барча йўллар билан ёрдам берсинлар. Ижара асосида хўжалик юритишнинг афзалликларини тушунтириш, уни тайёрлаш ҳамда 1990 йилда кенг ёйиш учун ҳамма чора-тадбирларни кўрсинлар:

корхоналар (ташкилотлар) ижарага ўтиши муносабати билан улардан бўшаб қоладиган ишловчиларнинг иш билан тўла бандли бўлишини таъминласинлар, зарур бўлган тақдирда уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этсинлар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. БУГРОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри. 1989 йил, 29 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ИЖАРА ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I БЎЛИМ. ҚАРА

ИЖАРА ТЎҒРИСИДАГИ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ижара

Ижара — шартнома асосида ер, бошқа табиат ресурслари, корхоналар (бирлашмалар) ва бошқа мулкий комплексларга, шунингдек хўжалик фаолиятини ва ўзга фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш учун ижарачига зарур бўлган мол-мулкка ҳақ эвазига муддатли эгалик қилиш, ундан фойдаланишдир.

2-модда. Ижара тўғрисидаги қонунлар

Ижара муносабатлари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ижара тўғрисидаги Қонун асосларини ва ушбу Низом ҳамда уларга мувофиқ чиқариладиган ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг ўзга қонун ҳужжатлари, уларда кўзда тутилган ҳолларда эса СССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари билан ҳам тартибга солиб турилади.

3-модда. Ижара соҳалари ва объектлари

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида ижарага йўл қўйилади ва мулкчиликнинг барча мулк шакллари ва турларига нисбатан қўлланиши мумкин.

Ижарага қуйидагилар топширилиши мумкин:

а) ер ва бошқа табиат ресурслари;

б) корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, бирлашмаларнинг структура бирликлари, ишлаб чиқариш, цех корхоналарининг, ташкилотларнинг ишлаб чиқариш фондлари ягона мулкий комплексининг ва бошқа бўлинмалари сифатида ўзга бўлинмалари;

в) айрим бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспортситалари, буюмлар, асбоб-анжомлар, бошқа моддий бойликлар.

Ижарага топширишга йўл қўйиладиган корхоналар (бирлашмалар) ташкилотлари турлари (группалари) ва мулк турлари ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

4-модда. Ижарага берувчилар

Мулк эгаси, шу жумладан давлат юридик шахслари ва гражданлари мулкни ижарага бериш ҳуқуқига эгадир. Мулк эгаси мулкни ижарага бериш учун ваколатлантирган идоралар ва ташкилотлар ҳам ижарага берувчи бўлиши мумкин. Давлат корхоналари, кооператив корхоналари, жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар мол-мулкининг индивидуал ва бирлашмаларини, айрим бинолар, иншоотларни, ўз фондларини ижарага ёки оперативлик бошқарувига тўла тааллуқли бўлган ускуналар ва бошқа моддий бойликларни ижарага беришга ҳақлидирлар. Ерни ва бошқа табиий ресурсларни тегишли халқ депутатлари Советлари конкурс асосида ижарага берадилар.

5-модда. Ижарачилар

Совет юридик шахслари ва СССР гражданлари, совет ва чет эл юридик шахслари иштирокидаги қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, шунингдек чет давлатлар, халқаро ташкилотлар, хорижий юридик шахслар ва гражданлар ижарачи бўлишлари мумкин.

6-модда. Ижарачиларнинг уюшмалари

Ижарачилар ихтиёрийлик асосида уюшмалар, иттифоқлар, консорциумлар, концернлар ва бошқа бирлашмаларни ташкил этишга, уларнинг фаолиятини пул билан таъминлашга ҳамда қабул қилинган уставга мувофиқ улардан эркин чиқишга ҳақлидирлар. Бу уюшмаларга ўз ишлаб чиқаришидаги мулк шаклидан қатъи назар ҳар қандай коллективлар ва гражданлар кириши мумкин. Ижарачилар эса агар уюшмалар қабул қилишга рози бўлса, ҳар қандай уюшмага киришга ҳақлидирлар.

7-модда. Ижара шартномаси

1. Ижарага берувчи билан ижарачининг муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳужжат ижара шартномасидир. Бундай шартнома ихтиёрийлик ва томонларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги асосида тузилади.

2. Ижара шартномасида: ижарага берилаётган мулкнинг таркиби ва қиймати, ижара ҳақининг миқдори, ижара муддати, ижарага олинган мулкни тўла тиклаш ва ремонт қилиш юзасидан томонларнинг вазифалари тақсимланиши, ижарага берувчининг мулкни ижарачига шартнома шартларига мувофиқ ҳолда топшириш бурчи, ижарачининг шартнома шартларига мувофиқ равишда мулкдан фойдаланиш мажбуриятлари, ижарачининг ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш ва шартнома тўхтатилгандан кейин мулкни шартномада кўзда тутилган ҳолатда ижарачига қайтариш учун жавобгарлиги ва бошқа муҳим шартлар кўзда тутилади.

3. Ижара шартномасига ижарага берувчининг моддий-техника таъминотига, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни жорий этишга, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантиришга, ижтимоий ривожланишга, ахборот, маслаҳат бериш ва ўзга ёрдам кўрсатишга кўмаклашишга, кадрлар тайёрлашга, ижарага олинган мулкдан самарали фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳамда уни тегишли ҳолатда сақлашга ёрдам беришга доир бурчлари киритилиши мумкин.

4. Ижарага олинган мулкнинг қиймати шартномада ана шу мулкни ижарага бериш пайтида амалда қанчалик эскирганлиги ҳисобга олиниб, ушбу мулкка берилган баҳодан келиб чиқиб, аниқланади. Ижарага топширилаётган мулкнинг келгусида қанча хизмат қилиш муддати томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади, лекин бу муддат амалдаги амортизация нормаларига мувофиқ тўла амортизациянинг янги муддатидан ошмаслиги керак.

5. Ижарачи ижарага берувчининг розилиги билан ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон қонун актларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари шартнома билан олинган мулкни ёрдамчи ижарага бериши мумкин.

6. Ижара шартномасига доир бурчларини бажармаганлик ёки тегишлича бажармаганлик учун, жумладан, шартномани бир томонлама ўзгартирганлик ва бекор қилганлик учун томонлар ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Қонунларида ҳамда шартномада белгилаб қўйилган тартибда жавобгар бўладилар.

Давлат корхонаси (бирлашманинг структура бирлиги) мулкини яхлит ҳолда ижарага берган давлат идорасининг маблағи етишмаган тақдирда ана шу идоранинг мажбуриятига мувофиқ тегишли мулкнинг эгаси ижарачи олдида жавобгар бўлади.

8-модда. Ижара ҳақи

Ижара ҳақи ижарага олинган мулкдан ижтимоий зарур даражада фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган фойда (даромад)нинг бир қисмини (ижара процентини) ўз ичига олади, ижара проценти шартномага мувофиқ одатда банк процентидан кам бўлмаган даражада белгиланади.

Ижара ҳақи ижарага олинган мулкнинг ижарага топшириш вақтидаги қийматидан амортизация ажратмаларини ўз ичига олади. Ижара ҳақига қўшиладиган амортизация ажратмаларининг миқдори ижара шартномасида унда ижарага топширилган мулкни такрорий ишлаб чиқариш юзасидан томонларнинг вазифалари тақсимлаб қўйилишидан келиб чиқиб, белгиланади. Ер ва бошқа табиат ресурсларини ижарага олинган тақдирда амортизация ажратмалари амалга оширилмайди. Ижара ҳақи ижарачи объектларнинг ижара муддати тугагандан сўнг уларни ремонт қилиш учун ижарага эгасига берадиган маблағни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ижара ҳақи ижарага олинаётган бутун мулк учун яхлит ёки ҳар бир объект юзасидан алоҳида-алоҳида натура, пул ёки аралаш шаклларда белгилаб қўйилиши мумкин. Ижара ҳақи шартлари, тўлаш муддатлари ва пул ўтказиш счетлари шартномада белгиланади.

Томонларнинг келишувига мувофиқ ижара ҳақи миқдори шартномада кўзда тутилган муддатларда, лекин кўпи билан беш йилда бир марта ўзгартирилиши мумкин. Ижара ҳақининг миқдори марказлаштирилган тартибда белгилаб қўйиладиган нарх-наво ва тарифлар ўзгарган тақдирда ҳамда ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг қонун актларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда томонлардан бирининг талабига мувофиқ муддатидан олдин кўриб чиқилиши мумкин.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ИЖАРА ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

9-модда. Ижара чоғидаги мулкчилик

1. Мулкни ижарага бериш ана шу мулкка эгалик ҳуқуқини топширишни билдирмайди.

Ижарачи ижарага олинган мулкдан фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва олган даромадлари унинг мулки ҳисобланади. Ижарачи қонунда кўзда тутилган асосларга мувофиқ олган ва харид қилган, ижара мулки составига кирмайдиган моддий ва бошқа бойликлар ҳам ижарачининг мулки ҳисобланади.

2. Ижара шартномасида ўзга ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, ижара мулкини яхшилайдиган ва ундан ажраладиган буюмлар ижарачининг мулки ҳисобланади. Ижарачи ўз маблағи ҳисобидан ва ижарага берувчининг рухсати билан ижарага олинган мулкка зарар етказмаган ҳолда уни ажратиб бўлмайдиган тарзда яхшилаган бўлса (бинолар ёки иншоотларни реконструкциялаш, машина-ускуналарни алмаштириш ва шу кабилар) ижара шартномаси тўхтатилгандан кейин ана шу яхшилаш қийматини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир, чунки шартномада ўзга ҳоллар кўзда тутилмаган. Ижарачи ижарага берувчининг рухсатисиз мулкка ажратиб бўлмайдиган ўзгартиш киритган бўлса унинг қиймати тўланмайди.

Корхона ва бошқа яхлит мулкий комплекс ижарага олинган тақдирда ижарачи ижарага олинган мулкка ижарага берувчининг бу мулкни яхшилашга рухсат берганлиги ёки бермаганлигидан қатъи назар ўз маблағи ҳисобидан сарфлаган ажратиб бўлмайдиган янгилик қийматини, агар шартномада ўзга ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, ундириб олишга ҳақлидир.

3. Ижарага олинган мулкдан амортизация ажратмалари ҳисобига киритилган янгилик (ажратиладигани ҳам, ажралмайдигани ҳам) ижара берувчининг мулки ҳисобланади ва ижарага берилган мулкнинг қолдиқ қийматини кўпайтиради.

4. Шартнома тугагандан кейин қайтарилган мулкнинг ҳолати кўзда тутилганидан ёмонроқ бўлса, ижарачи амалдаги қонунларга мувофиқ ижарага берувчига етказилган зарарни тўлайди.

5. Агар ижарага берилган мулк амортизация хизмати тўла муддатидан олдин ишдан чиқиб қолса, у ҳолда ижарачи ижарага берувчига унга тўланмай қолган ижара ҳақини ҳамда бошқа зарарларни амалдаги қонунларга мувофиқ тўлайди. Агар ижарачи ижарага олинган мулкдан шартномада кўзда тутилган ана шу мулкнинг хизмат муддати тугагандан кейин ҳам фойдаланишни таъминласа, ижарага берувчи, шартномада бошқа ҳол кўзда тутилмаган бўлса, ижарачига тегишли ҳақ тўлайди.

10-модда. Ижарага олинган мулкни сотиб олиш

1. Ижарачи ижарага олинган мулкни тўла ёки қисман сотиб олиши мумкин. Бу мулкни сотиб олиш шартлари, тартиби ва муддатлари ижара шартномасида белгиланади. Шу масалаларга доир низоларни давлат арбитражи ёки суд ҳал қилади.

ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг қонунларида ижарага олинган мулкни сотиб олишни чеклаш ёки тақиқлаб қўйиш ҳоллари кўзда тутилиши мумкин.

2. Сотиб олиш ижарачи ижарага берувчига унга тегишли ижара ҳақида тўла амортизация муддатига топширилган мулкнинг қиймати билан қўшиб тўлаш, шунингдек унга ижара тўловларини шартномага мувофиқ ижара амортизация муддати тугагунга қадар ижара мулкининг қолдиқ қийматини тўлаш йўли билан амалга оширилади. Қонунга мувофиқ ижарага олинган корхонадаги мавжуд ҳар қандай воситалар сотиб олиниши мумкин.

Ижарага олинган мулк сотиб олинганидан кейин ижарага олинган корхона унинг меҳнат коллективи қарори билан коллектив корхонага, кооперативга, акционерлик жамиятга ёки коллектив мулкчилик асосида ишлайдиган корхонанинг ўзга турига айлантирилиши мумкин.

Давлат корхонаси мулкини сотиб олишдан тушган маблағ тегишли бюджетга ўтказилади.

11-модда. Ижарачи хўжалик фаолиятининг йўналишларини белгилаш

Ижарачи ижара шартномасига мувофиқ ўз хўжалик фаолиятининг йўналишларини мустақил белгилайди ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳамда олган даромадни тасарруф этади.

Ижара шартнома мажбуриятларини бажариш доирасидан ташқарида ижарачи ўз хўжалик фаолиятида тўла эркин ҳисобланади.

12-модда. Ижара муддатлари

Ижара муддатлари шартномада белгилаб қўйилади. Бунда ер, ўзга табиат ресурслари, корхоналар, иморатлар, иншоотлар ижараси одатда узоқ муддатли — беш йилдан (пахтачиликда эса 10 йилдан) тортиб, ундан кўпроқ муддатгача бўлиши лозим. Мулкнинг қандайлиги ва ижара мақсадларини ҳисобга олиб, шартнома қисқа муддатли — беш йилгача тузилиши мумкин.

13-модда. Шартномани ўзгартириш, бекор қилиш, тўхтатиш ва узайтириш

1. Томонларнинг келишувига мувофиқ ижара шартномаси шартларининг ўзгартирилишига, унинг бекор қилинишига ва тўхтатилишига йўл қўйилади. Томонлардан бири шартнома шартларини бузган тақдирда иккинчи томоннинг талаби билан ижара шартномаси давлат арбитражи ёки суд қарори билан бекор қилиниши мумкин.

2. Ижарага берувчи ташкилотнинг қайтадан тузилиши, шунингдек ижарага олинган мулк эгасининг ўзгариши шартнома шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш учун асос бўлолмайди.

3. Шартнома муддати тугагандан сўнг ижарачи шартномани қайтадан янгилаш ҳуқуқига эга.

4. Шартнома муддати тугагандан кейин шартномани тўхтатиш ёки ўзгартириш тўғрисида томонлардан бирортасининг аризаси бўлмаган тақдирда, шартнома унда кўзда тутилган муддатга ва ўша шартлар билан узайтирилган ҳисобланади. Шартномани янги муддатга узайтириш чоғида томонларнинг келишувига мувофиқ унинг шартлари ўзгартирилиши мумкин.

5. Ижарачи граждан билан тузилган шартнома тўхтатилганда у билан бирга ишлаган ёки яшаган оила аъзолари ижара шартномаси тузишда афзал ҳуқуққа эгадирлар.

Ижарачи вафот этган тақдирда унинг ижара шартномасига доир ҳуқуқлари у билан бирга яшаган ва ишлаган оила аъзоларидан бирига, агар у ижарачи бўлишга рози бўлса, ўтади.

Ижарага берувчи шартнома тузиш ижарачининг шахсий фазилатлари билан боғлиқ бўлган ҳоллардан ташқари бундай шахс амалдаги шартноманинг қолган муддатида шартномага қўшилишини рад этиш ҳуқуқига эга эмас.

14-модда. Ижарачининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

1. Ижарачининг у ижара шартномаси асосида олган мулкий ҳуқуқлари гражданлик қонунларида мулкий ҳуқуқларга нисбатан белгиланган ҳимоя билан баравар ҳимоя қилиниши таъминланади. Ижарачи ижарага олинган мулкни ҳар қандай ғайриқонуний эгалик қилишдан қайтариб беришни, бу мулкдан фойдаланиш йўлидаги ғовларни бартараф этишни, барча шахслар, жумладан, ижарага берувчи мулкка етказган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

2. Ижарага берувчининг ижарага берилган мулкка доир қарзларини ундириб олинишига йўл қўйилмайди.

3. Ижарачининг мулки фақат давлат арбитражи ёки суд қарори билан ижарачидан тортиб олиниши мумкин.

4. Ижара шартномаси тузилгандан кейин қонун билан ижарачининг аҳволини қийинлаштирадиган қоида ўрнатилган ҳолларда ҳам ижара шартномасида кўзда тутилган шартлар у амал қиладиган бутун муддатда ўз кучини сақлаб қолади.

15-модда. Ижара шартномаси бажарилиши чоғида низоларни кўриб чиқиш

Ижара шартномасини бажариш чоғида юз берган низолари давлат арбитражи ёки суд томонидан уларнинг ваколатларига мувофиқ равишда кўриб чиқилади.

КОРХОНАЛАР (БИРЛАШМАЛАР)НИ ИЖАРАГА ОЛИШ

16-модда. Ижара корхонасини тузиш

1. Давлат корхонаси (бирлашмаси) ёки бирлашманинг (бундан буён давлат корхонаси деб юритилади) структура бирлиги коллективи мустақил юридик шахс сифатида ижарачилар ташкилотини тузишга ва шу асосда ижара корхонасини барпо этишга ҳақлидир.

Ижарачилар ташкилоти ва унинг бошқарув органларини тузиш тўғрисидаги қарор меҳнат коллективи умумий йиғилиши (конференцияси)да унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми берган овоз билан қабул қилинади.

Ижарачилар ташкилоти касаба союз комитети билан биргаликда ижара шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва уни давлат корхонасини ижарага бериш учун мулк эгаси ваколати берилган давлат идорасига юборади. Бу идора шартнома лойиҳасини олган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда кўриб чиқиши шарт. Ижара шартномаси тузиш чоғида вужудга келган келишмовчилик, жумладан, ана шу корхонани ижарага беришдан асоссиз равишда бош тортиш ҳамда таклифни кўриб чиқиш муддатини ўтказиб юбориш билан боғлиқ келишмовчиликлар давлат арбитражи томонидан кўриб чиқилади.

Шартнома имзолангандан кейин ижарачилар ташкилоти белгилаган тартибда корхона мулкини қабул қилиб олади ва у ижара корхонаси мақомига эга бўлади.

2. Ижарага олинган корхона унинг меҳнат коллективи умумий йиғилиши (конференцияси) тасдиқлайдиган Уставга асосан иш олиб боради. Ижара корхонаси ана шу ижара корхонаси жойлашган халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Совети ижроия комитетида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

3. Ижара корхонасининг аризасига мумофиқ тегишли давлат идораларининг қарори билан у ижарага олган ана шу давлат корхонасининг номи ва ҳукумат мукофотлари ижарачи корхона учун қолдирилиши мумкин.

4. Ижара корхонаси ўзи ижарага олган давлат корхонасининг мулкий ҳуқуқлари ва бурчларига, шу жумладан, унинг ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларига ворис бўлади. Корхона кредиторлик қарзларини тўлашни ижарага берувчи тўла ва қисман ўз зиммасига олиши мумкин.

Давлат корхонасининг ана шу корхона шартномасида кўзда тутилган ҳажмида ва муддатда маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилиш мажбурияти ижарачи томонидан бажарилади. Ижарага берувчи моддий ресурслар ёки уларга берилган лимитлар (фондларни) ижарачига топширади, шунингдек, ана шу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган бошқа зарур чораларни кўради.

Ижара корхонаси ижарага олинган давлат корхонаси учун белгиланган ҳажмда марказлаштирилган капитал маблағга ва дотацияга бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолади.

Ижарага олинган давлат корхонасининг ўзи жойлашган территорияни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда қатнашишга доир ҳуқуқлари ва бурчлари ижара корхонасига ўтади.

Ижара шартномаси ёқилғи, хом ашё, материаллар запасларидан, тугалланмаган ишлаб чиқаришдан, тайёр буюмлардан фойдаланиш, иқтисодий рағбатлантириш фондининг қолган қисмини тақсимлаш, корхонага қарашли уй-жой фондидан фойдаланиш, уни пул билан таъминлаш, дебиторлик қарзлари ундирилишидан тушган маблағларни сарфлаш йўналишлари хусусида ижарачи билан ижарага берувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб беради.

5. Ижара корхонаси учун ортиқча объектларни мажбуран ижарага берилишига йўл қўйилмайди.

6. Барча социалистик корхоналар учун самарали хўжалик юритишнинг дастлабки баравар шарт-шароитларини яратиш мақсадида давлат ижара муносабатларини ривожлантиришга ва давлат корхоналарининг ижарага ўтишига ҳар томонлама кўмаклашади.

17-модда. Ижара корхонасини бошқариш

Ижара корхонасини бошқариш унинг Уставига мувофиқ, социалистик ўзини ўзи бошқариш, кенг демократия, ошкоралик, меҳнат коллективи ҳар бир аъзосининг шу коллектив фаолиятига доир барча масалаларни ҳал қилишда иштирок этиши принципи негизида амалга оширилади.

18-модда. Ижара корхонасининг хўжалик фаолияти

1. Ижара корхонаси ўз фаолиятини социалистик товар ишлаб чиқарувчи сифатида қуради. У ижарага олинган мулк составига кирувчи моддий бойликларни сотиш, алмаштириш, ёрдамчи ижарага топшириш, вақтинча фойдаланиш учун текинга ёки қарзга бериб туриш (агар мулкни бундай топшириш корхонанинг ишлаб чиқариш-иқтисодий потенциалининг (қийматининг) камайиб кетишга олиб бормаса ва ижара шартномасида кўзда тутилган бошқа шартларни бузмаса) ҳуқуқига эгадир. Ижарага олинган мулкни тасарруф этишнинг мазкур тартиби ер ва бошқа табиат объектларига нисбатан ҳамда қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда қўлланилмайди.

Ижара корхонаси ижарага олинган мулк таркибига мустақил равишда ўзгартириш киритиш, уни реконструкциялаш, кенгайтириш, агар шартномада ўзга ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, бу мулкнинг қийматини кўпайтирувчи техника билан қайта жиҳозлаш ҳуқуқига эгадир.

2. Ижара корхонаси табиат ресурсларидан самарали фойдаланишни ва уларни такрорий ишлаб чиқаришни таъминлайди ҳамда улар қайси мақсадлар учун ижара корхонасига топширилган бўлса, шу мақсадга мувофиқ ушбу ресурслардан фойдаланади. У атроф-муҳитни булғанишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилишга мажбурдир.

3. Ижара корхонасининг ташқи иқтисодий фаолияти давлат корхоналари учун белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

4. Ижара корхонаси ижара шартномасига мувофиқ давлат буюртмасини ҳамда хўжалик алоқаларига кўра маҳсулотни (ишларни, хизматни) реализация қилиш буюртмаларини шу корхонага ижарага берилган йил учун қабул қилинган тегишли буюртмалардан ошмайдиган ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олишга мажбурдир.

Корхона унинг коллективи мулкига тааллуқли молмулкдан қандай фойдаланса, шу даражада давлат буюртмасини ҳамда маҳсулот ишлаб чиқиш ва сотиш юзасидан ўзга мажбуриятларни ихтиёрий тартибда қабул қилади.

Ижарага берувчи ижарачи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиб олиш вазифасини ўз зиммасига олиши мумкин.

5. Ижара корхонаси ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни (ишларни, хизматларни) давлат корхонаси учун кўзда тутилган улгуржи, харид, чакана, шартнома нархларида сотади. Ижара корхонаси хом ашё, материаллар ва бошқа моддий-техника ресурсларини давлат корхонаси учун белгилаб қўйилган тартибда ва шартлар билан амалдаги улгуржи, харид, чакана, шартнома нархларида сотиб олади.

6. Ижара корхонасига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун марказлаштирилган давлат капитал маблағлари ва ижарага берувчининг маблағлари ҳисобидан дотация берилиши, шунингдек, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисидаги мажбуриятга асосланиб, кредит ва авансларберилиши мумкин.

Зарар келтирувчи ва кам рентабелли давлат корхоналарининг ижарачиларига ижарага берувчи ижара ҳақи юзасидан имтиёз бериши мумкин.

7. Ижара корхонаси, ўз фаолияти натижаларини ҳисобга олиб боради, давлат томонидан кооперативлар учун белгилаб қўйилган тартибда бухгалтерия ва статистика ҳисоботини олиб боради. Кооператив фаолияти қандай назорат қилинса, ижара корхонаси фаолияти ҳам ижара муносабатларини ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олиниб, худди шу тартибда назорат этилади.

19-модда. Ижара корхонасининг молия ресурслари

1. Ижара корхонасининг молия ресурслари маҳсулотни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган пулдан, кредитлардан, қимматли қоғозларни сотишдан олинган маблағлардан, эҳсонлар ва бошқа молиявий маблағлардан ташкил топади.

2. Ижара корхонаси ишлаб топган пул ҳисобидан моддий харажатлар ва унга тенглаштирилган харажатлар, меҳнат ҳақи сарфлари қопланади, солиқ, ижара ҳақи, суғурта тўловлари, табиат ва меҳнат ресурслари учун тўловлар ўтказилади, кредит қарзлари тўланади. Фойданинг қолган қисми ижара корхонасининг тўла тасарруфига ўтади. У ана шу фойдани сарфлаш йўналишларини мустақил белгилайди.

3. Ижара корхонаси қўшимча молия ресурсларини сафарбар этиш учун қимматли қоғозлар чиқариши, амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган тартибда аниқ мақсадни кўзлаб қарз олиши, бозорга қимматли қоғоз чиқариши мумкин.

Қимматли қоғозларни сотиб олишда ижара корхонаси меҳнат коллективининг аъзолари имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар.

4. Ижара корхонаси бошқа корхоналар ва ташкилотларга ўз маблағлари ҳисобидан томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланадиган шартлар билан, жумладан, фойдаланиш учун процент миқдорини келишиб олиб, қарз бериб туриши мумкин.

5. Ижара корхонасининг счетидаги пуллар фақат шу корхонанинг кўрсатмасига мувофиқ ёки давлат арбитражи ёҳуд суд қарори билан ҳисобдан чиқариб ташланиши мумкин. Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардагина ижара корхонаси счетларидан пул маблағларини сўзсиз равишда ҳисобдан чиқариб ташлашга йўл қўйилади. Ижара корхонаси пул маблағларини сўзсиз ҳисобдан чиқариб ташлашга рози бўлмаган тақдирда у асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб ташланган пулни ундириб олиш тўғрисидаги даъво билан давлат арбитражига мурожаат қилишга ҳақлидир.

20-модда. Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш

1. Ижара корхонаси меҳнат коллективи аъзоларининг меҳнат муносабатлари ушбу Низомда белгилаб қўйилган хусусиятлар ҳисобга олиниб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар билан тартибга солинади.

2. Ижара корхонаси ходимларни ишга ёллаш ва ишдан бўшатиш тартибини, меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва системасини, иш куни тартибини, иш сменалигини мустақил равишда белгилайди, иш вақтини қўшиб ҳисоблашни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилади, дам олиш кунлари ва отпускалар бериш тартибини белгилайди.

Ижара корхонаси ҳар йили бериладиган ҳақ тўланадиган отпуска давомийлигини мустақил белгилайди. Бунда отпускаларнинг давомийлиги давлат корхоналарининг ишчилари ва хизматчилари тегишли категориялар учун белгилаб қўйилган отпускадан кам бўлмаслиги керак.

3. Давлат амалдаги қонунларга мувофиқ ижара корхонаси меҳнатчиларининг манфаатлари ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлайди.

Давлат корхонасини ижарага бериш муносабати билан бўшаб қолаётган ходимларга, ижарага берувчиларга ва халқ депутатларининг тегишли Советларига амалдаги қонунларда давлат корхоналарини қайта ташкил этиш ёки тугатиш чоғида ишдан бўшатиладиган ходимлар учун кўзда тутилган ҳуқуқларга кафолат берилади.

4. Ижара корхонаси ижтимоий суғурта давлат фондига СССР Министрлар Совети белгилаб қўядиган тартибда ва миқдорда ўз даромадларидан ажратма ўтказади.

21-модда. Ижара корхонасининг мулки

1. Ижара корхонаси ишлаб чиқарган маҳсулот, олган даромадлари ҳамда ана шу корхона маблағлари ҳисобига сотиб олган бошқа молмулк унинг мулки ҳисобланади.

2. Ижара корхонаси Уставида кўзда тутилган шартларда ва тартибда шу корхона эгалик қилаётган мулкда мазкур корхона меҳнат коллективи аъзоларининг меҳнатдаги шахсий иштироки билан ана шу мулкни бунёд этишдаги ҳиссаси, шунингдек, пул ва бошқа мулкий бадалларнинг миқдори белгиланади.

3. Ижара корхонасининг Уставига биноан шу корхона мулкига меҳнат коллективи аъзоси қўшган ҳиссасининг қийматига қимматбаҳо қоғозлар берилиши мумкин.

Меҳнат коллективи аъзоларининг мазкур қимматбаҳо қоғозларга ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари ва корхонани ривожлантириш вазифаларига қараб меҳнат коллективи белгилаб берадиган миқдорларда даромадлар (дивидентлар) тўланади. Қимматбаҳо қоғозларнинг амалдаги қиймати корхона Уставида кўзда тутилган ҳолларда ана шундай қоғоз эгаларига тўланади.

Корхона Уставида меҳнат коллективи билан меҳнат муносабатларини узган ана шу коллектив аъзоларига даромадлар тўлаш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилади.

22-модда. Давлат корхонаси (бирлашмаси) бўлинмасининг мулки асосида ижара корхонасини ташкил этиш

Ижара корхонаси ишлаб чиқариш, цехлар, бўлимлар, фермалар ёки давлат корхонаси (бирлашмаси)нинг бошқа бўлинмалари мулкини ижарага олиш асосида ташкил этилиши мумкин. Ана шу ижара корхонаси ташкил этилиши учун тегишли давлат корхонаси (бирлашмаси)нинг розилиги бўлиши керак. Бу ҳолда ижара шартномаси мулкининг бир қисми ижарага берилаётган давлат корхонаси (бирлашмаси) билан тузилади.

23-модда. Корхоналар (бирлашмалар) ва уларнинг мулкий йиғиндиси ижараси учун конкурс ўтказиш

1. Давлат корхонаси (бирлашмаси) ёки унинг бўлинмалари конкурс тартибида ижарага берилиши мумкин.

Конкурс тегишли мулкни ижарага топшириш ҳуқуқи бериладиган давлат органи томонидан эълон қилинади.

2. Конкурс давлат корхоналари (бирлашмалари) ёки улар бўлинмаларининг меҳнат коллективлари, мазкур корхонада, бирлашмада, бўлинмада банд бўлмаган ходимларни ҳам ўз ичига оладиган аралаш коллективлар, тегишли корхона, бирлашма (бўлинма)ни ижарага олиш мақсадида коллективга бирлашган гражданлар гуруҳлари қатнаша оладилар. Шу коллективлар конкурсда иштирок этиш учун ушбу Низомнинг 16-модда 1-бандида кўзда тутилган тартибда ижарачилар ташкилотини тузадилар. Конкурсда бошқа давлат корхоналари (бирлашмалари), шунингдек, кооперативлар ва жамоат ташкилотлари ҳам иштирок этишлари мумкин.

3. Бошқа шунга ўхшаш ҳолларда давлат корхонаси ёки унинг бўлинмаларининг меҳнат коллективлари мазкур корхона ёки бўлинмаларни ижарага олишда устун ҳуқуққа эга бўладилар. Ижарага берувчи, унинг номидан вакиллик қилувчи органлар ижарачиларнинг конкурсга тушган таклифларини кўриб чиққанда кимки ишлаб чиқаришнинг жуда юксак самарадорлигини таъминласа, таклиф этилган мулкнинг кўпроқ қисмини ижарага қабул қилса, ўз зиммасига оширилган ижара процентини бериш мажбуриятини олса, ўшанга афзаллик беради.

Конкурсдан ўтган ижарачилар ташкилоти ижарага берувчи билан ижара шартномаси тузади ҳамда ушбу Низомнинг 16—21-моддаларида кўзда тутилган тартиб ва шартларда ижара корхонаси сифатида иш кўради.

24-модда. Жамоат ташкилотларига қарашли мулк асосида ижара корхоналарини ташкил этиш

Жамоат ташкилотлари ўзлари белгилаб қўядиган шартларда ўз корхоналарини ва уларнинг бўлинмаларини ижарага бериш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳолда жамоат ташкилотлари ижара корхоналарини ташкил этиш тартиби ва улар фаолиятининг шартларини белгилаётганида мазкур бобда мустаҳкамланган принциплардан фойдаланишлари мумкин.

25-модда. Давлат корхонаси (бирлашмаси) ёки унинг бўлинмасининг кооператив томонидан ижарага олиниши

Давлат корхонаси ёки унинг бўлинмасини кооперативга ижарага берилаётганида ижара муносабатлари корхонани ижарага беришга ваколатли бўлган давлат органи ёки тегишли давлат корхонаси томонидан белгиланади. Кооператив билан шартнома шартлари ушбу Низомнинг 16-моддаси 4-бандига ва 18-моддасига биноан белгиланади.

МУЛКНИНГ ГРАЖДАНЛАР ТОМОНИДАН ИЖАРАГА ОЛИНИШИ

26-модда. Якка тартибда ва группавий бўлиб ижарага олиш

1. Граждан ёки гражданлар гуруҳи хўжалик фаолиятини юритиш учун ўзларига зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мулкни ижарага олишлари мумкин.

2. Якка тартибда ёки группавий ижара шароитида меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар ишчилар ва хизматчилар қатори ижтимоий суғурта қилинишни ва ижтимоий жиҳатдан таъминланиши шарт. Ижарачилар давлат ижтимоий суғурта фондига СССР Министрлар Совети белгилаб қўядиган тартибда ва миқдорда ўз даромадларидан ажратма берадилар. Ижарачининг суғурта бадаллари тўлаб ишлаган даври меҳнат стажига киритилади.

27-модда. Якка тартибдаги ва группавий ижаршароитида хўжалик фаолти

1. Якка тартибда ёки группавий ижара шароитида ишлаётган ижарачи, тузилган шартномага мувофиқ, ишлаб чиқарилган маҳсулотни мустақил тасарруф этадилар ва бу маҳсулотни мамлакатнинг ҳаҳандай регионида сотадилар. Ижарачи истеъмолчи билан тузилган шартномага кўра ёки мустақил белгилаб қўйиладиган нархлар ва тарифларга риоя қилган ишларни бажарадилар ва хизмат кўрсатадилар. Ижарачи давлат буюртмасини баришни ихтиёрий равишда ўз зиммаларига олишлари ҳамда ана шу буюртма ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотни улгуржи, харидорларда ёки шартномавий нархларда сотишлари мумкин.

2. Ижарачи ижарага берувчи билан келиш, ижарага олинган ер участкасида ишлаб чиқариш учун ва ноишлаб чиқариш учун зарур биноларни, жумладан, уй-жойни қуриш ҳуқуқига эга. Бунда қурилиш умумий қоидаларига риоя этилиши шарт.

Ижарачи ижарага олинган ер участкасида ўз маблағи ва қарзга олинган маблағ ҳисобидан бинолар ва иншоотлар қурган бўлса, ҳамда ижара шартномасида бошқа мажбуриятлар қайд этилмаган бўлса, ана шу бинолар ва иншоотлар унинг мулки ҳисобланади.

3. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган даромадни ижара ҳақи, солиқлар ва банк қарзи бўйича тўловлар тўланганидан кейин ижарачи мустақил тасарруф этади.

4. Моддий-техника ва маданий миноти, қишлоқ хўжалигида ишлаётган ижрачилар, транспорт, ремонт хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш колхоз ва совхозлар учун белгиланган тартиб ва шартларда тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

28-модда. Банкаги сч, кредитлар

1. Ижарачи пул операциялари учун банк муассасаларида счет очиш ҳуқуқига эгадир. У кредит ҳисоб-тоб операцияларини амалга ошириш учун банкни мустақил танлаб олиш ҳуқуқига эга.

2. Ижарачилар банк муассасалари ёки ижарага берувчилар билан келиб олинган шартлада иш чиқаришни ривожлантириш учун қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлар олишлари мумкин. Бунда кредитлар беришнинг конкурс системасидан фойдаланиши мумкин.

3. Халқ депутатлари маллий Советлари қайтариб бериш ёки қайтариб бераслик шарти билан дастлабки вақтларда хўжаликни қозлаб олиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ерни мелиорациялаш, йўл уй-жой қуриш учун ижарачиларга маблағ ажратилари мумкин.

II БЎЛИМ. ХЎЖАЛИК ИЧКИ ИЖАРА ПУДРАТИ

29-модда. Хўжалик ички ижара пудратини қўлланиш

1. Хўжалик ички ижара пудрати айрим ходимлар бўлинмаларининг коллективлари, ходимлар гуруҳлари (бундан буён ижара коллективлари деб юритилади) меҳнатини уюштириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг шакли сифатида давлат, коллектив ва жамоат корхоналарида қўлланилиши мумкин.

2. Корхона касаба союз комитети билан келишиб олиб, хўжалик ички ижара пудрати тўғрисидаги Низомни, маҳсулот (ишлар, хизматлар)га хўжалик ички ҳисоб нархлари ва тарифларини, моддий ва бошқа ҳаражатларини ҳисобга олиш формаларини тасдиқлайди.

3. Давлат корхонасининг ижара коллективлари меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва системаларини, иш куни тартибини, иш сменаларини мустақил белгилайдилар, иш вақтини жамлаб, ҳисобга олишни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қиладилар, корхона турли бўлинмалари ўртасида баҳамжиҳат ишлаш маромини бузмаган ҳолда дам олиш кунларини бериш тартибини белгилайдилар.

Ижара пудрати составига янги ходимлар коллективининг розилиги билан олинади.

4. Қишлоқ хўжалигидаги ижара пудрати шартномасида ижара коллективининг корхона номидан ижара коллективи аъзолари бўлмаган гражданлар билан муайян ишларни бажариш учун меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқи назарда тутилиши мумкин. Бундараждан-ларнинг меҳнатиижара коллективи аъларининг меҳнатига ҳаҳлаш учун мўлжалланган благлар ҳисобидан иш ҳ тўланади.

30-модда. Ижара коллективининг хўжалик фолиятини ташкил этиш

1. Ижарачи коллектив ижара пудрати шартномасига мувофиқ, шаомада кўзда тутилган малотни (ишларни, хизматла) ишлаб чиқариш ва конага бериш ёки унинг ширингига мувофиқ бошкорхоналар ёхуд гранларга сотиш вазифасини зиммасига олади.

Ижарачи коллек агар қонун ёки шартнома ўзга шартлар кўзда тамаган бўлса, шартномадасатилган миқдорга қўша ишлаб чиқарилган малотни (ишларни, хизматўз хоҳишича тасарруэтишга ҳақлидир.

2. Ижара пудра ўтган корхона бюд, банк ва юқори орган бн ҳисобкитобларни умумкорхона фаолиятининг наларига қараб белгиланга артибда амалга оширади корхона маҳсулот (ишла хизматлар) асосий турини ва ишлаб чиқариажмини планлаштириш фасини ўзида сақлаб қо, шунингдек, ягона тка снёсатини амалга ширади, корхона учун уй планларга мувофиқ тка билан қайта қурштириш, реконструкцияла ишларини бажаради, ионий соҳани ривожланти.

31-модда. Ижара пудратида ижара ҳақи

1. Ижарачи коллективга биркитиб қўйилган мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ (ижара ҳақи) ижара пудрати шартномасида белгилаб қўйилади. Нарх-наво ва бошқа иқтисодий шарт-шароитлар ўзгарган тақдирда томонларнинг келишувига мувофиқ ижара ҳақи миқдори қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2. Башарти экинлар, чорва моллар ва бошқа ижарага олинган мол-мулкни суғурта қилдириш корхона томонидан амалга оширилган бўлиб, ижарачи коллектив табиий офат ёки суғуртада кўзда тутиладиган бошқа ҳоллар сабабли шартномада мўлжалланган миқдорда маҳсулот етиштира олмаса, ижара ҳақи корхона суғурта ҳисобидан олган пулга мутаносиб равишда камаяди.

Ижарачи коллектив корхонанинг розилиги билан унинг номидан экинлар, чорва моллар ва бошқа мулкни суғурта қилдириш учун шартнома тузишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда табиий офат ёки суғуртада кўзда тутиладиган бошқа ҳоллар юз берган тақдирда ижара ҳақининг миқдори қайта кўриб чиқилмайди.

32-модда. Ижарачи коллективнинг даромадлари

1. Ижарачи коллективнинг даромадлари олинган фойданинг ижара ҳақини тўлаш, моддий харажатларни ҳамда шартномада кўзда тутилган ўзга ажратмаларни тўлашдан қолган қисмидан иборат бўлади. Ижарачи коллектив қолган даромаддан мустақил равишда фойдаланади ва у тортиб олиниши мумкин эмас.

2. Меҳнатга ҳақ тўлашга сарфланадиган маблағ миқдорини тартибга солиш йўллари ижара пудрати шартномасида белгилаб қўйилади.

33-модда. Ижарачи коллектив ҳуқуқларининг кафолатлари

1. Корхонанинг ижара пудрати шартномасига мувофиқ ижарачи коллективга биркитиб қўйилган мулкни олиб қўйишига йўл бери майди.

2. Фақат ижарачи коллектив билан корхона ўртасидаги келишувга мувофиқгина ижара пудрати шартномасини муддатидан олдин ўзгартириш ёки бекор қилишга йўл қўйилади.

3. Ижара пудрати шартномасини бажариш, уни бекор қилиш ва ўзгартириш муносабати билан ижарачи коллектив билан корхона ўртасида вужудга келган низолар ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг меҳнат тўғрисидаги қонунларида кўзда тутилган тартибда ҳал қилинади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

ДЕҲҚОН ТАШВИШЛАРИ

Жиззах районидаги «Москва» колхози теплица хўжалиги коллективи янги йилни муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олди. Айниқса, Сиддиқ Абдужабборов бошлиқ ижарачи оила коллективи катта ютуққа эришди. Улар бир гектар лимонзордан мўлжалдаги 20 тонна ўрнига 21 тоннадан зиёд сифатли лимон етиштиришди. Айни кунларда улар ҳосил теримини қизғин давом эттиришаётир.

Юқоридаги суратларда: ижарачининг турмуш ўртоғи Тожихон, қизи Насиба ва Сиддиқ Абдужабборов лимонзорда.

Фарғона вилояти. Бағдод районидаги «Победа» колхози деҳқонлари ҳам 1989 йилни қувончли натижалар билан якунлашди. Улар янги йилни ҳам зарбдорларча меҳнат билан бошлашди. Бугунги кунда далаларга маҳаллий ўғит чиқариш ишлари қизғин олиб борилаётир. Пастдаги суратда: илғор механизатор Мамасоли Фозилов.

У. Қўшвоқов ва Т. Ҳамроқулов суратлари.



ҚОРНИМИЗ ТЎҚ, УСТИМИЗ БУТМИ?

ёки томорқа хўжалиги, колхоз ва яқин ўтмишдан ҳикоя

Минг тўққиз юз саксонинчи йиллар. Ўзингиз шоҳиди бўлган қишлоқ—колхоз тасвири қуйидагича: шикоят қабул қилинмас, ростнинг кўзи боғланган, очмисан, юпунмисан, рўзғоринг қандай ўтяпти — ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Ёлғон рағбатлантирилар, бўйсунган кун кўрар, йўлини топиб пора узатганнинг мушкули осон, хуллас, бир қишлоқ, бир колхоз аҳли секин-аста бўлиниб, „сенинг ўрнинг юқорида, меники пастда қабилида табақалашиб борарди. Алдов ва хиёнат— турғунлик деб ном олган йилларнинг узоқ давом этишига ишонч бирлигимиз, аҳиллигимизни бўлиб ташлагани ҳам рост.

Тирикчилик, амал-тақал қилиб кун ўтказиш, оғизга талқон солиб, бош эгиш, сукунат. Бу йилларнинг энг оғир асорати жимлик эди. Хўжалиги, томорқа юмушидан кечиб, бозор, яқин шаҳарлар қайдалигини билмай уззу кун далада ишлаганда ҳам оила тўкинлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Аксарият оилалар қашшоқ яшашга кўникдилар. Хўжаликда сигир, қўй, от боқиш мушкуллашди. Тўртта ёғоч ёки пахсадан тиккайтирилган уй, бир этак бола... (қишлоқ хонадонларининг 40 фоизида қорамол, 65 фоизида қўй-эчки боқилмайди, 20 фоиз аҳоли умуман чорва молига эга эмас...) Томорқа — хусусий мулк, шахсий бойиш манбаи, якка хўжаликни қайта тиклайди каби янглиш қарашлар аҳолининг моддий фаровойлигини саробга айлантирди. (Шундай кунлар бўлди-ки, қишда бутун қишлоқни айланиб, беморга бир бош узум, битта қовун топилмади...) Ўша кунларнинг шиори шундай эди: бўлса, ҳаммага бўлсин, бўлмаса, битта кишига ҳам бўлмасин! Охир-оқибатда барча бирдек қашшоқлаша бошлади, акси — нарх-наво қимматлашди. Моддий неъмат яратувчи деҳқоннинг имконияти чеклангандан чекланди. Бунинг қабатига пахта яккаҳокимлиги қўшилди-ю экология фожиаларига юз тутдик. Гап бу ҳақда эмас. Гап шундаки, биз ўйламай қўйдик, ортиқ бош қотирмадик, деҳқонни кетмон билан банд десак, бошқаларнинг ҳам ўйи уйидан ташқарига чиқмади. (Бир-икки бадиий асарлар, илмий тадқиқотлар бундан мустасно...) Кун ўтказиш, тирикчилик домига тушиш, деб шунга айтсалар керак-да, биз оммавий жимлик, ҳадик, алдовни бошимиздан кечирдик... «Фақат тирикчилик учун яшаган одамни одам деб бўлмайди. Тирикчилик ташвишини тортишдан халос бўлдингми, шунинг ўзи маданият, деб уқтиришади донишлар.

1930 йилда мамлакатимиздаги ўзгаришлар — маориф соҳасидаги янгиликлар билан танишиш учун келган буюк Тагор ютуқларимизни тан олган ҳолда: «Мулк ҳеч қачон ўзлик бўлолмайди, лекин у воситадир... оддий инсон боласи учун хусусий мулк унинг шахсиятини ифодаловчи гўёки тилдир: бу тилдан ажраш демак — гунг бўлиб қолишдир... Сизлар бу проблемани ҳал қилар экансизлар, кишининг хусусий мулкка мойиллигини тан олмасликка ҳаракат қиласизлар. Куч ишлатишда ҳеч қандай чегарани билмайсизлар...» деб башорат қилган эди. Улуғ ҳинд адибининг гапи бизда 45 йил ўтиб, иқрорини топди, тан олинди.

Тарихга қайтмоқчи эмасман, коллективлаштириш тугагандан сўнг ҳам хўжаликларимиздан кўп нарса (от, арава, боғ, мойжувоз, ҳатто шахсий тош қудуқлар) зўрлаб тортиб олинди, йўқ қилинди. Бугун қайта қуриш шарофати билан яна қишлоқларимизда якка фермер хўжаликларининг тикланиши, қўлидан иш келадиган ҳар бир кишига лаёқати даражасида имкон яратиш, ҳеч бўлмаганда, халқит бермаслик, турли кооперативларнинг очилиши — фақат шахсий бойиш учунгина эмас, балки умум манфаати кўзланган шахсий ташаббус ва меҳнатнинг тан олиниши, қадрланишидир.

...Аҳолига сут, гўшт, тухум, сарёғ керак. Бу ҳаммага беш қўлдек маълум. Аммо буни ким, қандай етиштириш керак? Шу йилларнинг аянчли воқеаларидан бири — колхоз, совхоз чорваси аёвсиз касалланди, пахта «шарофати» билан ем-хашак экиладиган майдонлар қисқарди. Ҳар икки ҳолни яширдик, ёлғонга зўр бердик, оғирлик яна деҳқон хўжалигига тушди. Юқоридан бериладиган кўрсатмаларга, план ва топшириққа жавобан сохта чоралар топилди. Шулардан бири — қишлоқ Советининг раиси аҳолидан сут йиғсин! Сутга муҳтож хонадонни яна сут, гўшт, мева-сабзавотигача давлатга топширишга даъват! Ахир мўл-кўлчилик бу тахлит амалга ошмайди-ку! Наҳотки, Советлар аҳолидан сут йиғиш учун тузилган бўлса? Ўнлаб, юзлаб қишлоқ Советининг раислари ушбу «тадбир»нинг касрига қолиб партиявий жазо олишди, ишдан бўшатилди. Ғаройиб ҳодисалардан бири Қизилтепа районида рўй берди: аҳолидан сут йиғишда фаоллик кўрсатмадинг, деб қишлоқ Совети раисини ишдан олишди. Орадан бир ой ўтиб, собиқ раис — — Исмоил Очилов «Халқлар дўстлиги» ордени билан мукофотланди. (Бу одам ҳозир ҳаёт, нафақа олади). «Олдинига орденни олсаммикан ёки йўқми деб, жуда ғалати ҳолга тушдим. Кеча ишдан олишган одамни бугун орден билан сийлашса? Йўқ, бу менинг бир, икки ойлик сут йиғиш планини бажарган-бажармаганлигим учун эмас, умуман меҳнат фаолиятимнинг рамзи эди» хотирлайди у.

Юқоридагидек чалкаш, амалда қонунда-ю, аслида қонунсиз хўжалик юритиш ҳақидаги қайдларни эслаганимнинг боиси — ҳар биримизнинг хонадонимиздаги тўкинлик, маънавият ва қадриятларимиз, ижтимоий фаоллигимизда таназзул юз берди. Турмуш тарзимизни ҳадеб бўяб-бежайвердикки, охирида ранг қолмади. Ошкораликнинг биринчи шарти, даъвати бир-биримизни, халқни, давлатни ёлғондан қутқариш, асл ҳақиқатни — оқни оқ, қорани қорадек кўриш, тан олиш, ҳар бир нарсани ўз номи билан аташдан иборат эди. Буни эса ҳар ким имкони билан эмас, виждони билан тушунса, тан олсагина қайта қуриш ва демократиянинг пойдеворига бир ғишт қўйган ва бу билан ўзининг, авлодларининг олдида юзи ёруғ бўлади...

Ушбу мақолани ёзиш арафасида пахтачилик институтини тамомлаган, бугунликда «Шофиркон» колхозида камтарона мутахассислиги билан меҳнат қилаётган бир инженер билан суҳбатлашиб қолдим.

— Ўй битдими, қариндош? — деб сўрайман ундан. У эса кулиб қўл силтади:

— Ўшанда хатолик биздан ўтган экан, ака. Отам қайсарлик қилдилар, мен эса колхозда ишлаяпман, кўчманчи эмасманку, раис инсофга келар деб ўйладим. Йўқ, янглишган эканман. Соддалик дейсизми, қаттиққўллик дейсизми, раисни знёфатга ҳам чақирмабмиз, пахта майдонидан ер олиб, уй-жой қураётганларнинг шаъмасини эса эшитмаганга олдим. Рост, кўзингизни очинг инженер, эрта-индин ўғлингиз бўйингиз тенги бўлади, қийналиб қоласиз, дегувчилар кўп бўлди... Ахир, ўшанда мен — ёш мутахассис раисга пора беролмасдим... Бугун эса томорқамизга қурган (ҳали ҳам битмаган) иморатимга қараб ачинаман: ўтиб-қайтишга йўл йўқ, олди қишлоқ масжиди, ён томонда қўшнимизнинг ҳовлиси, орқа томон пахта. Мустақил оиламиз, болалар бештага етди. Колхозга эса район марказидан қатнайман. Мени ношудликда айблашади, йўқ, қачонки ўз соҳамни эпполмасам, танлаган касбимдан рағбатим қайтса, шунда мени ношуд деса бўлар... Ҳар бир кишига ўлчаб, бўлиб бериладиган жамики неъматлар (жумладан ер ҳам) тақсимотида тенглик йўқ экан, демократия, ҳақиқий ошкораликка путур етади. Ёзсангиз, шулар ҳақида яширмай, бор ҳақиқатни ёзинг. Калтабин раҳбарлар биз тенги авлодни ўтмас болта каби фаолиятсизликка, бюрократга айлантиришга зўр бердилар. Яхши, ҳамки, бошқача кунлар бошланди. Ўз халқининг кунига ярамаган, уни камситган, талаган раҳбарнинг номи узоқ вақт халқнинг хотирида нафратга лойиқ бўлиб қолади...

Фикр эркинлигига не етсин! Инженернинг мулоҳазаси мени бугундан, яқин ўтмишдан огоҳ этди. У ишлаётган «Шофиркон» колхози ва у яшаётган Шофиркон райони турғунлик йилларининг барча асоратини бошидан кечирди. Янгиликлар сари қадам ташлаётган район ва колхоз аҳли буларнинг барчасига гувоҳ. Кадрлар ўз иш жойларини ўзгартирдилар. Очил Мўминовдек ҳалол, тажрибали деҳқонлар янги совхозлар очилиши баҳонасида узоқ чўлга қувғин қилинди. Қўшиб ёзмагани учун Нурмат Умароводек раис, совхоз директорлари ишдан олинди. Юзлаб саксовулзорлар чопилиб, ўрни ташландиқ ҳолга келди. Томорқалар шўр сув билан суғорилди, деҳқонларнинг ўрик, узум, олма дарахтлари қуриди. Ўйламай, халқ билан маслаҳатлашмай бошланган ҳар бир иш ниҳоясига етмади —чала қолди. Халқнинг мингминглаб пули кўкка совурилди. Кетма-кет раҳбар ўзгарди. Ҳар бир раҳбар районни ўз қаричи билан ўлчаб, охир-оқибатда ўз манфаатининг қули бўлиб, тунда лаш-лушини юклаб қочди...

Қоладигани халқ экан, меҳнаткаш, сабрли, еримжойим деган асл фарзандлар экан. Йўқса, Нурмат Умароводек тажрибали, жонкуяр раис, совхоз директорини ишдан олиб, энди сиз раис ўринбосарлигига ўқийсиз, деб Тошкент (бир ойлик курс)га жўнатишармиди? Зўрликми ё зарлик замонимиди бу — ўйлаб ўйимга етолмайман. Ўшанда ушбу сатрлар муаллифи ҳам академик Иброҳим Мўминов номидаги колхозда раис ўринбосари эди.

Қишлоқ хўжалик министрлигида ўринбосарликдан сабоқ олар эканмиз, Нурмат Умаров бир гапни бот-бот такрорлар эди: «Ошкоралик албатта бўлади, мен бунга кафилман. Ҳар ким ўз ерини, касбини, халқини севса, ҳимоя қилса: шунинг ўзи ошкоралик...».

Ҳа, кўплар орзу қилган кунлар — ошкоралик тантана қилмоқда, бу партиямиз сиёсатининг мақсади бўлиб, миллионлаб меҳнаткашларнинг реал ҳаётига кўчмоқда. Чинакамига ташаббус, ер, колхоз ўзимники дейдиган вақтга ўтдик. Эндиликда колхозчига оғизда эмас, амалда эрк бериш — бугун биз гапираётган, ёзаётган муаммоларнинг асоси бўлиб қолди. Юқоридан буйруқ кутмасдан ишни нимадан бошлаш керак? Халқим дейдиган тажрибали хўжалик раҳбарлари —ишни икки-уч йил илгарироқ бошлаган эдилар. Республикамиздаги мавжуд томорқалар жами экин майдонининг 40 фоизига яқин, картошканинг 31, полизнинг 46, сабзавотнинг 44 фоизини етиштирмоқда. Гўштнинг 49, сутнинг 64 фоизи шахсий хўжаликлар ҳиссасига тушмоқда. Ушбу фактлардан маълумки, турар жой ва озиқ-овқат муаммоларини ҳал этиш хўжалик юритишнинг бош омили ҳисобланади. «Шофиркон» колхозида ҳам талай муаммолар йиғилиб қолган эди. Биринчиси, аҳолини турар жой билан таъминлаш. Ерни, ердошларини билмаган, улар орасида яшамаган, улардан ўзини айрича тутган раҳбар ҳеч қачон бу оғир вазифага бош қўшмайди. Замин яратолмайди.

— Қарорни кутмасдан биз анча илгарироқ аввало, колхозчилар, сўнг колхоз манфаатини ўйлаб, аҳолига мурожаат қилганмиз, — дейди правление раиси Нажмиддин Исомов. — «Жилвон» массивида бош план асосида қишлоқлар пайдо бўлди. Аввалига аҳоли узоқ деб (марказдан 3—4 километр олис) уюшмади. Сув, электр, йўл муаммолари ҳал бўлгач, қарабсизки, аризачиларнинг сони ошди...

Дастлаб, аҳолининг талаби шу йўл орқали қондирилди. Колхозчиларнинг меҳнатига муносабати тубдан ўзгарди. Хўжаликда йил сайин маданий-маиший бинолар, боғча, клуб, консерва заводи қурилиб ишга туширилди. Булар ишнинг бошланиши эди.

Вобкент район Охунбобоев номидаги колхоз правлениесининг томорқа — ер хўжалигини кенгайтириш тадбирлари ҳақидаги мулоҳазалар

Қишлоқда истиқомат қилувчи бир миллион оила шахсий томорқага эга эмас. Демак, ўз-ўзидан маълумки, шунча оила бир ҳовлида — ота-она, ака-укалари билан яшашади. Ҳали биз ҳар бир хўжаликда 8—10 сотих ер ажратиб, ундан фойдалана олармикан, ернинг умри бекор ўтмасмикан, деган таҳликага бормасдан, аввало, аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳақида ўйлашимиз керак бўлади. Зарурат бўлса, деҳқон томорқасининг ҳар қаричидан унумли фойдаланади. Охунбобоев номидаги колхоз бу борада нималарни режалаштирди? Деҳқон узоқ кутган бир парча ерни бўлиб бериш, албатта осон кечмайди. Қарорни амалиётга оқилона тадбиқ этишдан барча манфаатдор.

— Шунинг учун ҳам биз ўзаро маслаҳатлашиб олишни маъқул топдик, — деб ҳикоя қилади колхоз правлениесининг раиси Шавкат Ибрагимов. — Аввало биз колхозчиларнинг ерга бўлган талабини аниқлашимиз, тушунишимиз керак эди. Хўжалигимизда жами 6 минг 350 аҳоли истиқомат қилади. Шундан 878 таси бевосита колхоз ишлаб чиқаришида иштирок этади. Ярим йиллик ҳисобот йиғилишимизда («Харгўшт» қишлоқ Совети иштирокида) қарор қабул қилдик. Агар эр-хотин колхозда ишласа— 22, бир киши ишласа — 12, ишловчиси бўлмаган оилага—10, четга ишлайдиганларга—8 сотих ер берилади. Шуни ҳам айтишим керакки, колхозчиларимиз юз фоиз оилавий пудрат асосида меҳнат қилмоқдалар. Ишлаб чиққан тадбиримиз бўйича ер тақсимласак, мавжуд 1089 гектар майдоннинг 160 гектари аҳоли ихтиёрига ўтади. Бугунгача 143 та хўжалик ер-участкаси сўраб ариза берган. Буларнинг талаби тўла қондирилади. Қолган 530 хўжаликка эса ўз оилавий пудрат ериданўлчаб берилади. Шарти — ер бир йил муддатга ажратилади, иморат қуриш мумкин эмас, иккинчи йилда эса мутахассислар, фаоллар тавсияси билан томорқа бошқа майдонга кўчирилиши ёки алмашлаб экилиши мумкин.

Республика партия ва ҳукуматимизнинг қарори вақтида аниқ бажарилсинки, ҳеч ким норози бўлмасин. Бир қарич ер ҳисобда бўлсин, томорқа хўжалигидан олинадиган даромад янада ўссин. Областдан ер ўлчовчиларни таклиф этдик, улар мавжуд томорқа ва колхоз ерини аниқ ҳисоб билан ўлчади. Имкониятимизни ҳисобга олиб, ўзимиздан 5 кишилик комиссия туздик. Раиси ўзим, аъзолари — тафтиш комиссиясининг раиси Исматов Умид, қишлоқ Советининг раисаси — Рўзиева Ҳалима, архитектор— Шодиев Зариф, ҳар участканинг бригада бошлиғи, бунга қўшимча сифатида (кейинчалик келишмовчилик, норозилиқ чиқишини ўйлаб) оила бошлиғи, икки нафар меҳнат ветерани ҳам актга имзо қўядилар.

— Шавкат ака, область ижроия комитети сизларнинг тадбирларингизни маъқуллаганидан хабардорман, лекин қарорда кўрсатилишича, томорқа 0,25 сотихгача тақсимланадими?

— Шундай, лекин бу, колхознинг ерини пала-партиш бўлиб ташлаш дегани эмас. Аввало, ҳар бир хўжалик ўз ички имкониятини ҳисобга олиши шарт. Томорқаларни қайта ўлчаганда қатор муаммоларга дуч келдик. Мисол: шундай хўжаликлар борки, томорқаси қарорда белгиланганидан ҳам ортиқ. Уй-жойи битган, ҳовли ўраб олинган, атрофида қўни-қўшни, оғайнилари... хуллас, қишлоқчилик. Булардан ортиқча ерни олиб бўлмайди. Нима қилиш керак? Марҳамат биз билан шартнома тузсин, ҳеч бўлмаганда, колхознинг битта бузоғини боқиб семиртирсин... Яна шундай хўжаликлар ҳам борки, бир нечта улғайган ўғиллар ота-онаси билан бир ҳовли (10—13 сотих) да яшашади. Инсофданми шу? Биз улардан иш талаб қиламиз, оғир кунимизда ярайди. Лекин уларнинг турмуши, орзу-ҳаваси, имкониятлари-чи, унутганмиз. Энг аввало, биз аҳолини ердан сиқдик...

— Тушунарли. Лекин баъзи бир хўжалик раҳбарларининг фикрича, колхозчиларга, умуман, аҳолига қўшимча томорқа берилиши натижасида пахта майдони камаяди, бу яна ишсизликнинг ошишига сабаб бўлади, даромад камаяди...

— Бу ҳақида ўйлаганмиз, кўп нарса режали, янгиликпараст хўжалик раҳбарига, фаолларига боғлиқ. Имкон яратсанг, бирорта колхоз, бирорта колхозчининг қашшоқлашишга ҳаққи йўқ. Гапимни кичик мисоллар билан тушунтирай. Бир кунда 40 тонна сут қабул қилишга мўлжалланган пункт қуряпмиз, яқинда ишга тушади. Фойда-зиёни колхозники, 11 киши иш билан таъминланади. Сутни қайта ишлаб, қаймоғини заводга юборамиз, чиқиндисини колхозларга сотамиз... Областда биринчилардан бўлиб, Харгўшт пахта пунктини 153 минг сўмга (колхоз маблағига) олдик. «Октябрь», «Москва» колхозларининг пахтасини харид қиламиз. Хўжалигимиз шу ҳисобдан йилига 350 минг сўм фойда олиши керак. Мисоллар кўп...

Янгиликнинг катта-кичиги бўлмайди. Акционерлар жамиятини туздик. Раис — колхоз касаба союз комитетининг раҳбари Сафо Болтаев. Дейлик, сизда пул бор, лекин ишлатмайсиз, чунки зарурат йўқ. Хоҳласангиз, ўз ихтиёрингиз билан жамиятга аъзо бўлишингиз мумкин. Шу йўл билан дастлаб 10 минг сўм пул тўпладик. Мен ўзим 640 сўм билан жамиятга аъзо бўлдим. Ортимдан колхоз фаоллари эргашди. Бундан мақсад — танқис материалларни нақд пулга сотиб оламиз, колхозчилар учун қурилаётган уйларни безаймиз ва бошқа эҳтиёжлар учун ишлатамиз. Ҳар бир аъзо бир йил давомида берган пулини 8 фоиз қўшимчаси билан олиш ҳуқуқига эга... Бундан ташқари хўжалигимизда мойжувоз, замбуруғ цехи ишлаб турибди. Хуллас, колхознинг қатор даромад соҳалари мавжуд: ғишт заводи, район хўжаликларини уч юз минг сўмгача бўлган қурилиш объектларини лойиҳалайдиган группа (9 киши ишлайди), ҳунармандлар магазини, балиқхона кабилардан йилига фойда оляпмиз...

Чиндан ҳам Охунбобоев номидаги колхозда кўз кўрса қувонадиган янгиликлар талайгина. Биз юқорида уларнинг айримлари билан танишдик. Яна қарорнинг ижросига қайтсак, шу кунларда колхозда томорқа билан шуғулланадиган раис ўринбосари (янгидан) вазифаси ҳал бўлди. Мутахассислиги агроном бўлган ўринбосар деҳқонларга экин турларини тартибга солишга, танлашга, уларни техника билан таъминлашга амалий ёрдам беради.

Суҳбатимизнинг охирида район партия комитетининг иккинчи секретари Тоғиб Авезов илғор, янгиликларни тез илғайдиган ва амалга татбиқ этадиган ушбу хўжалик тадбирларини қуйидагича шарҳлади:

— Фуқаролари камбағал бўлган мамлакат ҳеч қачон бойимайди, дейишади. Ўйлайманки, қарор вақтида эълон қилинди. Якка тартибда уй-жой қуриш, томорқа учун ер участкалари ажратиш бугуннинг долзарб муаммоси эди. Районда биринчилардан бўлиб, Охунбобоев номидаги колхоз бу муаммони ҳал этишга киришди. Шубҳасиз, уларнинг ишида тўлдирилмаган, ёки ҳар икки томоннинг (колхоз ва колхозчи) унутилган манфаатдорлиги бордир. Бир йиллик тажриба буни амалда исботлайди. Ҳаракат қиляпмиз. Шу йилнинг биричи мартига қадар район хўжаликлари бу муҳим тадбирни тугаллайдилар.

Ражаббой ОТА ТУРК,
Бухоро.

• Мутахассис масала қўймоқда

МУАММОНИ ҲАЛ ЭТИШ МУМКИН

РЕСПУБЛИКАДА ИШЛАБ ТУРГАН КОРХОНАЛАР ХОМ АШЁСИДАН ФОЙДАЛАНИБ, СОВУН ВА КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ ҚОНДИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Мамлакатимизда, жумладан, жумҳуриятимизда кейинги вақтларда совун ва кир ювиш воситалари тақчиллашиб кетди. Айни пайтда савдо расталарида қўлида талон билан мазкур маҳсулотларни харид қилиш учун навбатда турганлар сони ҳам бирмунча ортди. Эндиликда республикамиз меҳнаткашларида совун ва кир ювиш воситаларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкинми-йўқми, деган ҳақли савол туғилаётганлиги тушунарли. Бу эса мени ушбу соҳа мутахассиси сифатида муаммони ҳал этиш йўллари хусусида ўйлашга мажбур этди.

Совун ишлаб чиқаришнинг асосий манбаи ёғ-мой корхоналари ҳисобланиб, улар республикамизда 18 тадан ортиқ. Бу корхоналарнинг 5 таси айнан совун ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Кимёвий таркибига кўра, совун ва шунга ўхшаш маҳсулотлар совунлантирилган ёғ кислоталарини, яъни кислоталарнинг натрийли тузларини ташкил этади. Совун олиш учун асосий хом ашё сифатида ёғ-мой корхоналарининг чиқиндиси бўлмиш—соапстоклар ишлатилади. Соапсток тозаланмаган мойларни ишқор эритмалари билан тозалаш натижасида ҳосил бўлади. Республикамиз ёғ-мой корхоналарида қора мойни тозалаш — рафинациялаш жараёнида ҳар куни ўрта ҳисобда тахминан 15—20 тонна (ўртача кунига 400 тонна пахта чигитини қайта ишловчи корхоналар ҳисобида) атрофида соапсток йиғилади. Агарда Ўзбекистондаги барча корхоналарда ишлаб чиқариладиган соапстокларни хом ашё сифатида жамлаб, қайта ишлаб, улар ҳар куни совунга айлантирилса, менинг назаримда, совунга ва кир ювиш порошокларига бўлган талабэҳтиёж ҳал этилиб, ошиқча маҳсулотларни қўшни республикаларга сотиш имконияти ҳам туғилади.

Маълумки, қаттиқ совуннинг кир ювиш хусусияти сувли эритмада намоён бўлади. Яъни совун сувда маълум даражада эрий бошлайди. Бу эса турмуш шароитида қаттиқ совун билан бир қаторда суюқ совунни ишлатиш мумкин дегандир. Шуни эслатиш зарурки, суюлтирилган совун ўзининг кир ювиш хусусияти бўйича қаттиқ совундан қолишмайди. Суюқ совун ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни ёғ-мой корхоналарида жорий этиш, юқорида эслатилган қаттиқ совун ишлаб чиқариш жараёнларининг кўпчилигини бартараф этиш имконини яратади.

Тошкент ёғ-мой комбинатида кооператив асосида кам ҳажмли суюқ совун ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Унинг технологияси сир эмас: бу — ёғли хом ашёни сувда эритиш (соапстокни ҳам), уни ишқор эритмаси билан совунланиш хусусиятларига эга бўлгунича ишлаш, сўнг эса тайёр маҳсулотни қуюқлаштириб тегишли идишларга қуйишдан иборатдир. Ана шундай усулда олинган суюқ совун маҳсулотини маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, ремонт-механика заводлари ва бошқа жойларда ишлатиш мумкин. Ушбу технологик жараён ва уни ташкил этишнинг осонлиги тармоқ мутахассисларига, айнан эса ёғ-мой корхоналарининг инженер-техник ходимларига маълум ва равшан.

Ҳўш, шундай экан, нима учун суюқ совун ишлаб чиқариш жараёни заводларда тўла қувватда жорий этилиши ва уни саноатда қўлланиш мумкин эмас? Бу йўналишда маҳсулотнинг сифати, масалан, унинг ранги, ташвишга солиши мумкин. Айрим корхоналарда (Бухоро, Наманган ёғ-экстракция заводлари) айни шу сабаб таъсир этмоқда. Чунки заводларда паст навли хом ашё ишлатилмоқда. Бу ўз навбатида паст навли чигитларни ишлаш натижасида вужудга келган. Аҳволни тузатиш учун жараённинг бошланиш пайтида хом ашёни юқори концентрацияли ишқор эритмаси билан ишлаб, сўнг ранги тозаланган маҳсулотни тегишли ишқор эритмаси билан совунлаш зарур.

Оч тусли суюқ совунни гўшт комбинатларида суяк чиқиндиларидан олинадиган қаттиқ ёғларни совунлаш йўли билан ҳам олиш мумкин. Бу жараён Бухоро гўшт комбинатида кам маҳсулот ишлаб чиқариш усулида жорий этилган. Суюқ совун ишлаб чиқариш учун ёғ кислоталари хусусиятларига ўхшаш кимё саноати корхоналари чиқиндиларидан фойдаланилса ҳам бўлади. Бу йўналишда Навоий «Азот» бирлашмаси олиб бораётган ишлар диққатга сазовор.

Республикамиздаги ёғ-мой ва кимё саноати корхоналарида суюқ ҳолатдаги совун ишлаб чиқаришни тўла ва мукаммал ташкил этиш халқ хўжалигининг ҳамда маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг эҳтиёжини қондириш имконини яратади.

Қ. МАЖИДОВ,
техника фанлари доктори.

Мақола учун тўланадиган ҳақни Раҳм-шафқат фондига тақдим этаман.

• Янгиликлар

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИ ЎЙЛАБ

● Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхоз иқтисодий жиҳатдан йил сайин юксалиб бораётганлиги учун ҳам бу ерда аҳоли эҳтиёжини қондириш юзасидан ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бир қатор саноат объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилаётир. Яқинда совхозда ғишт заводи ва шиша тайёрлаш цехи маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Ҳозир хўжалик қишлоқларида тўртта тегирмон аҳоли буюртмасини бажармоқда.

Ҳадемай, маҳаллий хом ашёдан буюм тайёрлайдиган рўстин тикиш цехи ишга туширилади. Хўжалик завод ва цехлари ишчилари ўтган йил аҳолига 400 минг сўмлик пулли хизмат кўрсатишди.

— Меҳнаткашларга пулли хизмат кўрсатишни йилдан йил яхшилайверамиз, — дейди совхоз директори Раҳматулла Омонов. —Аҳоли эҳтиёжини ўйлаб, хизмат тармоқларини янада кенгайтиряпмиз. Бу йил аҳолига пулли хизмат кўрсатишни ярим миллион сўмга етказамиз.

«БИНОКОР»ГА МАРҲАМАТ

● Ульянов район матлубот жамияти томонидан Сувчилар посёлкасида «Бинокор» қурилиш материаллари ишлаб чиқариш савдо маркази қуриб битказилди.

Бу ерда ҳар ойда 50 минг сўмдан тортиб 100 минг сўмгача аҳолига савдо хизмати кўрсатилади. Магазиндан мих, бўёқ, тахта, шифер каби уй-жой қурилиши учун хилма-хил зарур нарсаларни харид қилиш мумкин.

Савдо маркази 364 квадрат метр майдонга эга. Бу ерда эшик, ром ясайдиган дурадгорлик цехи ҳам ишлаб турибди. Цех аҳоли буюртмасини бажаради ва харидорларга бир йилда камида 35 минг сўмлик пулли хизмат кўрсатади.

— Хуллас, қишлоқларимизда уй-жой қуриш ана шу ердан бошланади, — дейди район матлубот жамияти правлениеси раиси Аҳмад Холмуродов. — Харидорлар эҳтиёжи ҳисобга олиниб, «Бинокор» савдо маркази ёнида чойхона, озиқ-овқат ва саноат моллари магазини, фин ҳаммоми ҳам барпо этдик. Бу қулайликлардан аҳоли ғоят хурсанд бўлмоқда.

М. КАРОМОВ.

• «Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«БЕФАРҚЛИК»

Газетамизнинг ўтган йил 17 октябрь сонида шу сарлавҳа остида танқидий мақола босилган эди. Унда Марғилон шаҳри бошланғич партия ташкилотларида йиғилишлар расмиятчилик билан ўтаётганлиги, ҳисобот давридаги фаолият танқид ва ўз ўзини танқид асосида чуқур таҳлил этилмаётгани очиб ташланган эди. Шунингдек, шаҳар партия комитети бу муҳим снёсий кампанияга бефарқ қараётганига эътибор жалб қилинганди.

Мақола юзасидан МАРҒИЛОН ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИДАН расмий жавоб олинди. Қуйида ана шу жавобни эътиборингизга ҳавола этамиз:

Марғилон шаҳар партия комитети «Совет Ўзбекистони» газетасининг юқоридаги танқидий мақоласи юзасидан бир қатор бошланғич партия ташкилотларида текширишлар ўтказди. Шаҳар партия комитетининг масъул ходимлари коммунистлар ҳузурида бўлиб, партия ҳисобот-сайлов йиғилишлари қай даражада ўтганлиги, уларга шаҳар партия комитетининг раҳбарлиги масалаларини ўргандилар. Ана шу текшириш ва таҳлил якунлари шаҳар партия комитетининг бюро мажлисида атрофлича муҳокама қилинди.

Бюро мажлисида қабул қилинган қарорда бир қатор партия ташкилотларида, хусусан 49-ҳунар-техника билим юрти, 206-қурилиш-монтаж бошқармаси, шунингдек шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги таъминланмаганлиги, партия ҳисобот-сайловларини ўтказишда етарли назорат ва талабчанлик қилинмаганлиги, партиявий-ташкилотчилик ишлари олиб борилмаганлиги хусусидаги газета танқиди ўз вақтида бўлган, деб баҳо берилди. Ана шу камчиликлар шаҳар партия комитети партиявий-ташкилий ишлар бўлимига, юқоридаги бошланғич партия ташкилотларига биркитилган бўлим инструкторлари М. Охунжонова, Ш. Тиллабоевларга шахсан кўрсатиб ўтилди.

Танқидий мақола 206-қурилиш-монтаж бошқармаси, 49-ҳунар-техника билим юрти, шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотларида ҳам коммунистлар томонидан кенг муҳокама қилинганлигини маълум қиламиз.

Айни бир вақтда шаҳардаги бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайловларнинг умумий якунлари атрофлича таҳлил этиб чиқилди. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш, коммунистларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш, партия аъзолари ва партиясизларнинг фаоллигини кучайтириш, улар томонидан билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар, таклифларнинг амалга оширилишини, қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиб бориш, умуман шаҳар партия комитетининг раҳбарлик услубини қайта қуриш юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Бугунги кунда уларнинг изчиллик билан амалга оширилиши шаҳар партия комитети бюросининг қатъий назоратида турибди.

СУРАТ—ЛАВҲАЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Химия институти республикада ташкил этилган «Иккиламчи ресурслар» илмий-ишлаб чиқариш марказининг бош ташкилоти ҳисобланади. Институт олимлари чиқитсиз, экологик соф технологиялар яратиш борасида изланмоқдалар. Суратда. институт химия технологияси лабораториясининг кичик илмий ходими М. Раҳматуллаева.

А. ГОРОКРИК сурати.

(ЎзТАГ).

●

Яқинда «Келинлар қўзғолони» комедиясининг мантиқий давоми бўлган «Фармонбиби аразлади» пьесаси «Ёш гвардия» театрида саҳналаштирилди.

Суратда: янги «Фармонбиби аразлади» спектаклидан бир саҳна.

А. Рисқиев сурати

(ЎзТАГ).

ЖЎНАТИЛМАГАН МАКТУБЛАР

ҲИКОЯ

У ёлғиз, ўзини қайга қўярини билмайди. Мана, хотинидан ажралишганига олти йил бўлибди, уйланишни хаёлига ҳам келтирмайди, лекин баъзан бўйдоқлик жонга тегиб кетади: ишдан ҳориб-чарчаб келганда тайёр иссиқ овқат бўлмаса, остона ҳатлаб ҳеч ким уни кутиб олмаса, шу ҳам туриш-турмуш бўлдими, ахир, инсон дунёга бир бор келади-ку! Муҳаббат билан турмушлари бўлмади, ўртага совуқчилик тушди. Бунинг анча сабаблари бор. Эр-хотин ўртасидаги майда-чуйда гаплар... Баъзиларини оғизга олиб бўлмайди. Аммо ҳамма гап муҳаббатсизликда, улар бир-бирларини севиб турмуш қуришмади, гапнинг индаллоси ана шу!

Ота-онаси қишлоқда. Якка ўғил эди, институтни тамомлагач, Тошкентда қолиб кетди, сабаби тошкентлик қизга уйланди. Иш жойидан уй ҳам тегиб қолди: тўй-томоша бўлди-ю, коллективдан икки хонали уй тўёна қилишди, омадинг келса шу-да. Аммо буёғи юришмади, эр-хотиннинг юлдузлари тўғри келмай, уйда ҳар куни тўполон, жанжал бўла берди, охири Муҳаббат кетиб қолди, кейин қонуний тарзда ажралишди.

Мухторжон «Ташкентская неделя» янги сонини ўқий туриб, «Танишув» қисмидаги бир эълонга кўзи тушиб қолди. У шу мавзуда берилган бошқа эълонлардан фарқ қилар, оддийгина, тўғрироғи, камсуқумлик билан ёзилган: «Ёшим йигирмада, турмушга чиқмаганман, ўзимга ўхшаган хуштабиат, содиқ йигит билан тақдиримни боғлашни истайман».

Мухторжон хаёлга толди, ҳали ёш бўлса, нега газетага эълон берибди, сабаб нимада? Ўзи ҳақидаги маълумотлар ҳам бир чимдим, чиройликми, қадди-басти келишганми, ўқиймидими, ишлайдими, феъли қанақа, булар ҳақида ҳеч нарса демабди. Ажаб жумбоқ. Шунчалик содда, ўн гулидан бир гули очилмаган қизнинг эълон бериши Мухторжонни ўйлантириб қўйди. Энг муҳими, бундай ишга қандай қилиб юрак ютди экан. Бирон сабаб, жонидан ўтган жойи бўлмаса бундай қилмас.

Мухторжон жумлани яна бир ўқиб мағзини чақмоқчи бўлди, ўзига ўхшаган хуштабиат, содиқ йигит билан танишишни, ҳаёт қуришни орзу қилибди. Демак, бирон йигит кўнглини ранжитган, бевафолик қилган, ҳар ҳолда қизнинг юрагида дард бор, бўлмаса бўлажак турмуш йўлдошидан содиқлик талаб қилмасди. Ўзини хушчақчақ дебди: демак дилбар, хушбичим, келишган, чиройли қиз... Исми нима экан-а, Раъно ёки Лолами, Моҳи ёки Ҳусниямикин?

Яна ўқиди, «Оила хизмати» хат ёзувчининг турар жойи ва бошқа маълумотларни бермайди», деб ёзилибди. Шундай экан, эълон эгасининг белгиланган номерига хат ёзиш керак. Йўллаган мактубинг қизга ёқмаса жавоб бермайди. Бундан хулоса шуки, дўндириб, юракка тегадиган қилиб ёзмоқ даркор. Ўйлаб қараса, Мухторжон унчалик гапдон эмас, шу вақтга қадар бирон қизга хат ёзмаган. Камсўзлиги, тортинчоқлиги, туфайли шу вақтгача бирон аёл билан таниша олмай юрибди. Тўғрисини айтганда, баъзиларга ўхшаб удабурро эмас. Икки хонали хонада бир ўзи, кирини ҳам, овқатини ҳам ўзи қилиб юрганига сабаб ана шу ношудлиги.

Қўлига қалам-қоғоз олди, «нотаниш қизга» хат ёзишга қарор қилди, негадир кўнгли шуни истади... Нима деб ёзсин, кимга? Нотаниш қизга десинми? Жавоб бермаса-чи, хати жавобсиз қолса-чи? Яхшиси, оддийгина қилиб, дилидаги борини ёзади, даставвал ўзини таништиради, иш жойи, ота-онаси, ҳаёти, турмуш-шароити, кейин кўнглидаги гаплар... Шундай қилди ҳам, мактубни шундай якунлади:

«Лозим топсангиз бир энлик хатингизни аяманг, ўзингиз ҳақингизда тўлароқ маълумот беринг. Истасангиз, бирон жойда учрашайлик. Сиз истаган жойда, менинг турар-жойим...

...Ҳурмат ила, Мухторжон».

Мактубни битиб бўлгач, негадир енгил тортгандек бўлди, гўё ўзига яқин ёстиқдош, содиқ дўст топгандек. Уйқуга ётди-ю, хаёлидан ўша қиз кетмади, унинг хуш сурати ўзи ўйлагандек турли кўринишларда намоён бўлаверди: тоҳ сутдек оппоқ, сарвиқомат бир қиз унга майин қараб туради, гоҳ қоп-қора сочлари тўпиғига етган, қорамағиздан келган хипча бел қиз салом бериб кўришади. Ҳолат яна ўзгаради, сочлари шаршара, лаби олдида чиройли холи бор бир қиз хонасига кулганча кириб келади... Уйқуси ўчиб кетди, мижжа қоқмай, эрталабгача тўшакда ағанаб чиқди. Хуллас, номаълум қизга ғойибдан ошиқ бўлиб қолди, денг...

Ҳафта ўтди, жавоб йўқ, икки ҳафта, бир ой... Йигит бетоқат. Энди буёғи нима бўлади? Уйини ёки иш жойини билса ҳам, топиб, сўйлашиб кўнгли таскин топган бўларди. Ўйлаб ўйига етолмайди. Ахир, қиз боланинг ўзига яраша нози ҳам бўлади. Яна хат ёзиш керак, энди бошқачароқ қилиб, чиройлироқ сўзлар билан, юрагини «жизз» этказадиган қилиб...

«Нотаниш қизга!

Сизга йўллаган мактубимга ҳамон жавоб ололмадим, афтидан кўнглингизга ғойибона ёқмадим шекилли... Бир энлик хат кимни ўлдирибди. Умидларим катта эди, ниятларим ҳам соф. Менинг ҳол-аҳволимдан хабардор бўлдингиз, ҳаммасини ёздим, ўйланганимни ҳам, ҳозир битта ўзим яшаётганимни ҳам. Ёлғизлик қурсин, жуда оғир бўларкан, баъзан ўзимни қайга қўяримни билмайман, «тиқ» этса эшикка қарайман, жавоб кутаман. Кўчаларда кета туриб бирон хушбичим қизни кўриб қолсам, шумикан деб юрагим гупуриб кетади. Нега шундай, ўзим ҳам билмайман, бўлмаса сизни кўрган эмасман, ҳатто исмингизни ҳам билмайман. Аммо негадир сизга боғланиб қолдим, негадир юрагимда сизга нисбатан қандайдир яқинлик, меҳр-муҳаббат уйғонгандай... Бу ҳақ гап, тилёғламалик қиляпти, деб ўйламанг, ростини ёзмоқдаман. Ишга бораман — хаёлим сиз билан уйга келаман — кўнглим сизда...».

Мактуб шу ерга келганда тўхтади. Мухторжон хатни қайта ўқиб чиқди. Ажабо, шунчалик ҳам бўладими, нима кераги бор бу нурсиз сўзларни, ўқиган одам кулади-ку. Наҳотки, оддийгина, ширин сўз топа олмаса, бу хат гўё илгари кўриб-учрашиб юрган одамга ёзилганга ўхшайди. Бекорчи гаплар ҳаммаси, бунақа қуруқ сафсатабозлик кимга керак? Шоир бўлганимда тўрт қатор шеър ёзиб юборган бўлардим...

Мухторжон ёзган хатини майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Кейин хаёли бўлиниб, қизнинг ҳолатини кўз олдига келтирди. Ахир, газетага эълон беришга журъат этган қизда бир гап бор, бўлмаса ўзи танишишни таклиф этиб, миқ этмай ўтиравердими, балки менинг уйланганим ёқмагандир, қиз бола-да, ҳали турмушга чиқмаган. Балки ёзмаганим маъқулдир, жавоб бермагандан кейин яна ёзиш жўялимас.

Шундай дейди-ю, барибир юраги ғашланади, ичидан бир нарса узилиб тушгандай бўлади. Қиз ғойибона уни сеҳрлаб қўйгандек. Шундан сўнг яна қўлига қалам олади:

«Салом, нотаниш қиз!

Ўйлаб-ўйлаб яна бир бор мактуб ёзишга қарор қилдим. Сурбетлигим учун мени кечирарсиз, деган умиддаман. Менимча, биласизми, қандайдир кўринмас куч билан сизга боғланиб қолганга ўхшайман. Одамлар муҳаббат инсонга бир марта берилади, дейишади, шу тўғри-ми, муҳаббатни топиб олган киши дунёда энг бахтли одам ҳисобланади, дейишади, шу ҳақ гапми. Мен муҳаббатни ҳали учратганимча йўқ, ўзи бор-ми?Сиз нима дейсиз? Ёки уни ҳам йўқ бўлиб кетаётган осори атиқалардек «Қизил китоб»га киритиб қўйишганми? Эълонда «содиқ киши билан тақдиримни боғлашни истайман» дегансиз. Фикри ожизимча, биронта беқарор одам ёш қалбингизга озор берганга ўхшайди. Ҳа, ҳаётда имон ва виждонини йўқотган одамлар кўпайиб қолган, имон ва виждонни ҳам ўша мен айтган «Қизил китоб»га ёзиб қўйишга тўғри келмасмикин? Ҳа, биз ҳаётда кўп нарсаларни йўқотиб қўйдик...».

Мактуб шу ерда узилди. Мухторжон ўйланиб қолди. Намунча эзма бўлиб кетмасам. Ёш қизга бунақанги сафсатабозликни нима кераги бор ўзи? Ўйламай-нетмай, қаёқдаги гапларни ёздим. Мен кимману, у ким, жуда яқин танишимми? «панд-насиҳатинг ўзингга-ей,» демайдими?

Мактуб яна йиртилди...

«Нега яна хат ёзибди, деб ўйламанг, кўнглимдагиларни бир айтиб, хумордан чиқай дедим. Ўзингиз ўйлаб кўринг, сизга мактуб йўллаб жавоб олмагандан кейин йигит кишининг аҳволи не кечишини. Йигитнинг сўзи қайтгунча шайтоннинг бўйни синсин, дейишади. Ҳар куни ҳаёлан сизни кўз олдимга келтираман. Турли жилода жамолингиз намоён бўлади, Айтинг-чи, ростдан ҳам сутдек оппоқ қизмисиз, ёки буғдойрангми? Сочларингиз узунми? Мен сочи тақимига урадиган зар кокилли қизларни ёқтираман. Ҳозир сочи узун қизлар камайиб кетди. Улар фақат қўшиқлардагина қоляпти. Баъзан туғилиб-ўсган қишлоғимга бориб қолсам, қирқ кокилли қизларни учратиб, кўнглим яйраб кетади. Улардаги ҳаё, иффат, назокатни кўриб қувонаман, яйрайман, сизга тик қарашмайди, ҳурмат-эҳтиром кўрсатишади. Айтмоқчиманки, ўша шоирлар куйлаган қаро зулфлар, зар кокиллар йилдан-йилга камайиб, ноёб бўлиб қолмоқда. Уни ҳам «Қизил китоб»га ёзишга тўғри келмасмикин? Ҳа, биз қизларимиздаги энг ноёб нарсалар — назокат, одоб, садоқат каби фазилатларни авайлаб сақлашимиз керак...».

Мактуб шу жойга келганда яна узилди. Мухторжон ўйланиб қолди: Бунча эзмаланмасам. Насиҳат қиладиган одами бордир балки. Менга ўхшаган сўққабош эмасдир. ота-онаси, ака-укалари бордир. Йўқ, ёлғиз бўлмаса, эълон бермасди, шўрликнинанинг маслаҳатчиси, яқин кишиси йўққа ўхшайди. Аммо мактубим ғашига тегса керак. Узун сочлар деб оғзимдан бол томди. Балки сочини замонавий қилиб кестиргандир, балки ўта замонавийдир. Шундай бўлгач, хатимдан кулади, йиртиб ташлайди. Узун сочлар керак бўлса, ойнаи жаҳонда чиқаётган диктор қизлар қора зулфларини олдига ташлаб чиқишмасмиди? Дорилфунун қизлари сочларини орқасига ташлаб, йигитларнинг юрагини ўйнатиб юришмасдими? Қизиқ, эркаклар чекмаган сигаретани ҳозир аёллар чекишмоқда, ёнларига яқинлашсанг, папирос ҳиди анқийди. Шундай экан, тақимни ўпадиган сочлар ҳақида сўз ,бўлиши мумкин-ми? Қизларнинг ўзи шуни билишармикин, ёки замонавий бўламиз, деб шарму-ҳаёни унутиб, назокат, иффатдан воз кечиб юришаверармикин. Ҳаё, номус, назокатни ҳам «Қизил китоб»га ёзиб қўймасак, деб хавотирдаман. Албатта, покиза, назокатли қизларимиз кўп, уларга тақсинлар ёғилсин.

Хуллас, мактуб Мухторжонга бу гал ҳам ёқмади, йиртиб ташлаб, қайтадан ёзишга аҳд қилди.

Мухторжон яна бир нарсани ўйлаб қолди. Ахир, бу қиз нега газетага эълон берди? Бу қанақаси, ўзи? Нега мен унга хат ёзишим керак, тағин биринчи хатимга жавоб олмаган бўлсам. Аммо бир фурсат иккиланиб тургач, қўлига қалам олиб ёза кетди:

«Ўйлаб-ўйлаб шу мактубни ёзишга қарор қилдим, жавоб бермасангиз ҳам майли, ихтиёрингиз. Фикримча, сиз ажойиб, ғоят соҳибжамол қизсиз, ўзингизга яраша ғурурингиз бор, буни мен сезиб-билиб турибман, газетага эълон бериб қўйиб, энди пушаймон бўлаётганлигингиз, ҳозир ўз ёнингизга ўзингиз қовурилиб юрганлигингизни сезиб турибман. Шунинг учун ҳам сизни ғойибдан ёқтириб қолдим...

Биласизми, кўнглимга нима келди? Одатимизга кўра, қиз боланинг номуси, ҳаёсидан ҳам қимматли нарса йўқ. Фақат қимматлигина эмас, ниҳоятда нозик ва муқаддас. Эълонни ўқигач, хаёлим бузилди, дунёда қидириб юрган нарсамни энди ҳеч тополмайдиганга ўхшаб қолдим, мен ўйлаб юрган, орзу қилган нарсалар сароб бўлиб чиққандек. Ўйлаб кўрайлик, холиқ табиат олдида қўлларимизни кўксимизга қўйиб иҳлос билан чин сўзимизни айтайлик, нима бўлди ўзи? Наҳот, муҳаббатсиз бир оламга кириб бораётирмиз? Энди газетага эълон бериб муҳаббат излаймизми? Бу, ахир инсон шанига, муҳаббат деган буюк бир ноёб туйғуга ҳақорат эмасми? Ҳа, мен ҳамма нарсани мол-дунёга йўйган, манфаатлар асосига қурилган, оилаларни кўп кўрдим, улар кичик синовга ҳам бардош беролмай парчаланиб, йўқ бўлиб кетмоқда. Ҳа, бу рост ,чунки одамлардан меҳр қочмоқда, шафқат йўқ, бир-бирига садоқат йўқ. Оқибат натижада бир эълон билан қурилаётган оилалар пайдо бўлаётир. Улардан нима кутиш мумкин? Ҳа, менинг нотаниш азизам, сени ғойибдан севиб қолдим. Бир энлик хат ёзмасанг нима бўпти? Лекин қизлик латофатингни, қалбингда ҳали уйғонмаган муҳаббатингни сақла, ахир, у ҳаммага насиб эта бермайди...

Мактуб тугади. Мухторжон сатрларга яна бир бор кўз югуртирди. Негадир кўнгли ғаш тортиб, йиғлагиси келди. Соатига қаради, уч бўлибди. Қаттиқ чарчади, асаблари таранг. Яна истироб ичра ўйланиб қолди. Бу хатни юборса, қизнинг кўнглига қаттиқ тегиб, юрагига озор етмасмикин? Озор етади, албатта. Нотаниш қизнинг қалби ғоят нозик, табиати ҳам. Яхшиси, юбормайди, йиртиб ташлайди...

Шу кўйи яна бир-икки ой ўтиб кетди, ёз кетидан куз, кейин қиш бошланди. Мана, янги йил кираётир. Мухторжон уйга қайтди, эшикни энди очмоқчи эди, қўшниси янги йил билан табриклаб, қўлига телеграмма тутқазди. Раҳмат айтишни ҳам унутиб, шоша-пиша кўз югуртирди:

«Салом нотаниш йигит, мактуб учун катта раҳмат! Сизни янги йил билан қутлайман, иқбол, бахт, садоқат сизга ҳамиша ёр бўлсин... Раъно».

Мухторжон эшикни очди-да, кесакига беҳол суяниб, оғир қувончдан чуқур энтикди. Янги йил унинг назарида қувончлар йили бўладигандек туюлиб кетди. Подъезд деразасидан бир парча осмон кўриниб турар, қор эмас, гўё митти-митти қумуш юлдузчалар ёғарди...

Мақсуд ҚОРИЕВ.

АХБОРОТ

МАКТАБ ПЕШТОҚИДА ДОМЛАНИНГ НОМИ

● **Билимдон, тажрибали ташвиқотчи кишилар одатда қадимдан домла, деб эъзозланган. Бундай кишилар эл-юртга, партияга, давлатга катта наф берадилар. Тўра домла дейилганда, Тошкент областининг Қатортол қишлоқ Советидаги аҳоли партия ходими, тажрибали педагог, сиёсатни чуқур таҳлил эта оладиган тарғиботчини тасаввур қилади.**

Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги 251-ўрта мактабга Тўра Тўлаганов номи берилишига бағишланган кечада кўп киши сўзга чиқди. Улар райком ходими, мактаб илмий бўлим мудири, мактаб директори лавозимларида карийб 40 йил ижодий меҳнат қилган, 59 ёшида ҳаётдан кўз юмган домланинг фазилатлари, педагогик маҳорати, принципиаллиги, ўзига ва бошқаларга талабчанлик хислатлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилдилар.

Кеча қатнашчилари педагогика коллективи, мактаб жамоат ташкилотлари коллективларининг мактабга Тўра Тўлаганов номи берилишини сўраб қилган мурожаатини қўллаб-қувватлаганликлари учун район ижроия комитетига ўз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

С. СОДИҚОВ.

ТЕХНИКЛАР УЙИ

● **Қўриқ Октябрь райони маркази — Зафаробод посёлкаси тобора гўзаллашиб бормоқда. Посёлкада кўплаб турар жой бинолари, маъмурий-маданий маиший объектлар қурилмоқда.**

Яқинда ана шундай бинолардан бири — техниклар уйи муддатидан олдин қурилиб фойдаланишга топширилди. «Мирзачулсовхозстрой» трестига қарашли 1-механизациялашган кўчма колоннанинг прораб Босим Каримов бошлиқ қурувчилари қарийб 300 минг сўмлик маблағни қисқа вақт ичида ўзлаштириб, белгиланган вазифани шараф билан бажардилар.

Техниклар уйи биносида 400 ўринли томоша зали, турли мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган 33 та кенг ва ёруғ хоналар, бино олдида эса фавворали сув ҳавзаси мавжуд.

«ЗУМРАД»

● **Райондаги С. Раҳимов номли совхоз марказида қурилган 90 ўринли болалар боғчасига «Зумрад» номи берилди.**

Яқинда 2-«Сирдарьяагростой» трестига қарашли 55-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилари томонидан қуриб, фойдаланишга топширилган боғча совхоз меҳнаткашларининг фарзандларини ўз бағрига олди.

Шунингдек, совхозда 392 ўқувчига мўлжалланган икки қаватли ўрта мактаб қурилиши ҳам тезкорлик билан олиб борилаётир.

ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИ КУРСИ

● **«Билим» жамиятининг район ташкилоти ташаббуси билан очилган эски ўзбек тили ва ёзувини ўргатувчи пулли курс октябрь ойидан бери фаолият кўрсатмоқда.**

Курс машғулотлари ҳафтанинг пайшанба ва жума кунлари Ҳ. Олимжон номли 1-ўрта мактаб биносида ўтказилмоқда. Машғулотларга турли касб эгаларидан ўттизга яқин тингловчи жалб этилган. Машғулотларни Тошкентда махсус курсни тугатиб, икки йил Сурия Араб Республикасида таржимонлик қилиб қайтган Алексеевский номли совхознинг бош иқтисодчиси А. Ҳайдаров олиб бораётир.

Э. СУВОНОВ.

Сирдарё области.

Муҳаррир ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«УЗВОДРЕМСТРОЙ ЭКСПЛУАТАЦИЯ» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

1990 ЙИЛ УЧУН

ишдан ажралган ва ишдан ажралмаган ҳолда

КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курслар «А», «В», «В,С», «Д», «Е», «С» категориядаги ҳайдовчиларни тайёрлайди ва қайта ўқитади, шунингдек автомеханиклар, автослесарлар, тракторчилар, экскаваторчилар, бульдозерчилар, автокранчилар, минора, шоти, кўприк, пневматик бошқариладиган кранларнинг машинистлари, «КАМАЗ»ларнинг ҳайдовчилари, газ-баллон автомобиллари, электр ва автопогрузчиклар, электрокараларнинг ҳайдовчиларини тайёрлайди; 3-разряддан 2-разрядга, 2-разряддан 1 разрядга тракторчиларни қайта ўқитади, газ пайвандчилар, электр пайвандчилар, газ-электр пайвандчилар, кранлар бўйича, ремонтчи-слесарлар, кранлар бўйича электриклар, автоэлектриклар, аккумуляторчилар, вентиляция системалари ремонти бўйича слесарлар, вентиляция системалари монтажи бўйича слесарлар, «КАМаз»лар ремонти бўйича слесарлар тайёрлаб чиқаради.

Группаларга ишлаб чиқаришдан йўлланма билан келган кишилар пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаган ҳолда ва эркин қабул ҳисобига таълим ҳақини нақд пул билан тўлаган кишилар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Наримонов шаҳри, Лихачев кўчаси, 5-уй (171, 183, 188-автобусларнинг «Поликлиника» бекати). Телефон: 92-38-95.

БИЗНИНГ БОЙЛИГИМИЗ— СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ

Сизга замонавий хўжалик юритиш ва бошқариш усулларини эгаллашда Ўзбекистон ССР «ГОССТРОЙ»и қошидаги қурилиш комплекси тармоқлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқлараро институти — МИППКРКС ёрдам беради.

МИППКРКСнинг менеджерлар тайёрлаш маркази қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналарига қуйидаги йўналишлар бўйича раҳбар кадрлар резерви учун ойлик ўқишини таклиф этади:

— тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

— замонавий ташкилий-иқтисодий механизмлар, ёллаш ва иқтисодий-коммерция фаолиятини жорий этиш ва фойдаланиш;

— замонавий ахборот жараёнлари ва меҳнатни компьютерлаш;

— маркетинг ва реклама ишини ташкил этиш;

— ташқи иқтисодий фаолият асослари (қўшма корхоналарни қўшиб);

— хўжалик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш;

— корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш усуллари ва уларнинг фойда кўриб ишлашини таъминлаш:

— шахсий иш техникаси.

Ўқиш ҳар йили 3 январь, 1 апрель, 10 сентябрдан бошланади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг хоҳишига қараб раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш факультетида 1—1,5 ойлик ва техник ходимлар малакасини ошириш факультетида 1 ойлик ўқиш ҳам ташкил этилади.

Тингловчилар ўқиш даврида ишлаб чиқариш фаолиятига тааллуқли турли хил масалалар бўйича бепул консультациялар олишлари мумкин. Бу ўқишга тўланган ҳақни тез ва бир неча баробар қоплаш имконини беради.

Менеджерлар тайёрлаш марказида ўқиш ҳақи ЎзССР корхоналарида ўтадиган бир ойлик стажировкани ҳам қўшиб ҳисоблаганда — 1050 сўм, республикадан ташқарида бўлса 1400 сўм.

Малака ошириш факультетларида ойига 350 сўм.

ЎҚИШ МУДДАТИ — КЕЛИШУВГА МУВОФИҚ.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700011, Тошкент шаҳри, Шайхонтавур кўчаси, 10.

Телефонлар: 41-15-41, 41-47-30.

ТОШКЕНТ ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ ВА УНГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ТАЖРИБА ЗАВОДИ

Республиканинг бутун ҳудудида ҚУИИДАГИ МАРКАЛАРДАГИ ЁЗУВ МАШИНАЛАРИНИНГ ҲАРФЛАРИНИ ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ЮЗАСИДАН

БУЮРТМАЛАРНИ БАЖАРАДИ

«ЯТРАНЬ», «ЛИСТВИЦА», «УКРАИНА», «РОБОТРОН 200, 202, 20, 24 ВА 28».

ТЕХНИКА 1990 йилнинг 15 ЯНВАРИГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: 700156. Тошкент шаҳри, Сегизбоев кўчаси, 1-уй.

Телетайп — 116184 «Гамма».

Справкалар учун телефонлар: 76-87-36, 76-84-44, 76-86-54.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

кечки-сиртқи бўлимининг

ИНЖЕНЕРЛИК-ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ

1989—1990 ўқув йилида ҳамма ихтисослар бўйича:

I ва II курс студентлари учун —

8 ЯНВАРДАН 21 ЯНВАРГАЧА

III ва IV курс студентлари учун —

22 ЯНВАРДАН 4 ЯНВАРГАЧА

ҚИШКИ — ЛАБОРАТОРИЯ—ИМТИҲОН СЕССИЯСИНИ ЎТКАЗАДИ.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг республика телевидениеси коллективи «Ёшлик» кўрсатувлари бош редакциясининг бош муҳаррири Т. Қ. Ботирбековга онаси

Файзи КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Соғлиқни тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш институти дирекцияси, партия ва жамоат ташкилотлари тажриба лабораториясининг бошлиғи, катта илмий ходим. Т. Наджимудиновга онаси

Азизахон СУЛТОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот техникуми коллективи техникум директори М .Мирзааҳмедовга онаси

Розия МАНСУРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Физика-қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тажрибавий ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳалаш конструкторлик-технологик бюроси коллективи директор ўринбосари А. Абдураҳмоновга онаси

Рихсинисо ИКРОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР театр арбоблари уюшмаси правлениеси Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, атоқли санъаткор

Тошхон СУЛТОНОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумининг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

• *Спорт* • *Спорт* • *Спорт* • *Спорт*

Хоккей майдонларида

Анъанага биноан янги йил кунлари мамлакатимизнинг етакчи командалари Канадада профессионал хоккейчилар билан ўртоқлик учрашувларида қатнашмоқдалар. Бугунги кунда Москва динамочилари эришаётган ютуқлар диққатга сазовор. Улар дастлабки учрашувда «Питтсбург пингвинз» клубини 5:2 ҳисобида мағлубиятга учратишганди. Куни кеча улар «Торонто мэйпл лифз» клубини 7:4 ҳисобида мағлубиятга учратганлари ҳақидаги хабар олинди.

Марказий армия спорт клуби хоккейчилари эса «Ванкувер Кейнакс» командасини 6:0 ҳисобида енгишди

Москванинг «Крилья Советов» командаси Квебек шаҳрида «Квебек нордикс» хоккейчилари билан (4:4) дурангга эришди.

Ёшлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашиб келаётган Ватанимиз терма командаси кеча дастлабки мағлубиятга учради. Улар канадаликларга 4:6 ҳисобида ютқизиб қўйишди. Ҳозир чемпионатда ЧССР хоккейчилари 10 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Канадаликларда 9, совет хоккейчиларида 8 та очко бор. Яна икки турдан сўнг мусобақага якун ясалади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 02004. № 2. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12